

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

МУСТАҚИЛЛИК — ТЕНГСИЗ ОЛИЙ НЕЪМАТ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ
МАЖЛИСНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ
МАЪРУЗАСИНИ ЎҚИБ...

Биз Ватан мустақиллигининг ўн бир йиллигини юксак уюшқоқлик, кўтаринки ва ислохотларни изчиллик билан амалга оширишда фаоллик кўрсатиш билан нишонладик. Ҳаётимизда демократик ўзгаришлар тобора чуқурлашиб борапти. Биз фуқаролик жамияти асосларини яратяпмиз. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни тобора мустақамланиб, халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ошиб бормоқда. Дунё сиёсатида ҳамда иқтисодида етакчи давлатлар бўлиш АҚШ ва Япониядек яқин ҳамда ишончли стратегик ҳамкорларга эга бўлди. Жаҳондаги бошқа кўпгина давлатлар билан ҳам алоқаларимиз кенгайиб, мустақамланиб, янги мазмун билан бойиб бормоқда. Буларнинг ҳаммасига эрк ва озодлигимиз — Истиқлолимиз сабабчи. Ўтган байрам биз учун қанчалик аҳамиятли ва фахрли эканлигининг боиси ҳам шундан.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида Ватан мустақиллигининг тарихий аҳамияти ҳақида гапирар экан, ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотиб, масъулият ҳиссини ошириб, ҳушёрлиқни кучайтирадиган фикр-мулоҳазаларни айтди. Улардан таъсирланмасликнинг ва тегишли хулоса чиқармасликнинг иложи йўқ.

Истиқлолимизга ўн бир йил тўлди. Бу даврда бизни ҳамма таниди, тан олди, эътироф этди. Тинчгина бунёдкорлик ишлари билан бандмиз. Эҳтимол бамайилхотир яшайверсак бўлар? Йўқ. Юртбошимиз бизни ҳушёрликка даъват этапти. "СССРнинг сояси собиқ Иттифок минтақасидан ҳали-бери бутунлай кўтарилганмас ва буни биз доимо инобатга олишимиз, ҳаммиса сергак ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур", - деди муҳтарам Президентимиз ўз маърузасида. Ҳақ гап. Дунё тажрибасидан шу нарса маълумки, мустақилликка эришган баъзи давлатларда орадан нафақат ўн-ўн беш йил ўтиб, балки эллик-олтмиш йилдан кейин ҳам уларнинг дахлсизлигига жиддий ҳаф-хатар ва таҳдидлар бўлган. Бизнинг Истиқлолимиз эса ҳали жуда ёш. Унга ҳавас қилувчилар билан бирга ҳасад қилувчилар ҳам бор. Улар собиқ империя меросхўри бўлган давлатда, қўшни мамлакатларда бор, эҳтимол ораимизда ҳам бўлишлари мумкин. Тўриси, коммунистик мафкурага асосланган тизимни қўмсаб гапирётганлар яққа-ёлғиз бўлса ҳам бор.

Биз келажаги буюк давлат кураётган, жамиятимиздаги демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш учун курашаётган эканмиз, аввало, мустақилликнинг қадрига етишимиз ва уни ҳар қандай носоғлом ҳамда ғаразғўй кучлардан ҳимоя қилишимиз зарур. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида Ватаннинг бундан ке-

йинги ҳаракат дастурига тўхталар экан, мустақилликни ҳимоя қилиш биринчи устувор вазифа эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. "Биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад, - деди Президент Ислам Каримов, - тенгсиз олий неъмат — мустақилликни бундан бўён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустақамлаш бўлиб қолаверади."

Мустақил Ватан биз учун муқаддас гўша экан, биз уни ҳар жиҳатдан раванқ топтиришимиз, гуллаб-яшнатишимиз, жаҳонга кўз-кўз қилишимиз, халқнинг турмуш даражасини оширишимиз, ҳаётда демократик таомилларни чуқурлаштиришимиз, аввало сўз эркинлиги ва матбуот эркинлигини таъминлашимиз, маънавиятни ва маърифатни юксалтиришимиз, инсон омилига эътиборни кучайтиришимиз зарур. Маърузада ана шу вазифалар бўйича устувор йўналишлар кўрсатиб ўтилди. Жумладан, мамлакатимизда ҳавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва оёйишталигини таъминлаш — иккинчи, бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустақам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт таомилларини жорий этиш — учинчи, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек ошкоралиқни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиклигини таъминлайдиган демократик таомилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилиш — тўртинчи, жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат таъкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтириш — бешинчи, суд-ҳуқуқ соҳасини ислох қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттириш — олтинчи, барча ислохотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва меъзони — еттинчи устувор йўналишлар эканлиги ҳар жиҳатдан асослаб берилди.

Демак, бизнинг бундан кейинги ҳаракат дастурида аниқ, Бу дастур бизни эзгу мақсад сари етаклайди. Мустақилликнинг қадр-қиммати, Ватаннинг шаъни-шавкати, халқнинг бахти-саодати, миллатнинг обрўси, эътиқоднинг мустақамлиги, эзгуликнинг чексизлиги, йўлимизнинг ойдинлиги — бу бизнинг бош мақсадимиздир. Ана шу мақсад йўлидаги курашдан ҳеч биримиз четда қолмайлик, азизлар!

Иброҳим НОРМАТОВ
"Туркистон-пресс"

Биз тараққий топган давлатлар қаторидан ўрин эгаллашга, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга азму қарор қилган эканмиз, бу юксак мақсад-муддаоларга эришиш — биринчи галда ўзимизга, бизнинг ташаббус ва тадбиркорлигимизга, ҳар биримизнинг Ватан ва халқ олдида фарзандлик бурчимизни нечоғли масъулият билан адо этишимизга боғлиқ.

Менинг даъватим, азиз дўстлар, биродарлар — мана шундай юксак масъулиятга муносиб бўлайлик, шунинг учун курашайлик, бутун борлигимизни шунга бахшида тайлик.

Ислам КАРИМОВ

ЮРТИМИЗДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Мана бир неча кундирки, ҳар биримизнинг кўнглимизда ҳам, руҳимизда ҳам байрам, мунавварлик. Диёримиз чиройига чирой қўшилиб, байрамлар байрамларга уланаётир. Мустақиллигимизнинг 11 йиллик тўйи шодликлари бутун юртимиз бўйлаб кезмок. 11 йил!!! Севимли шоиримиз Абдулла Орипов айтганларидек,

Ҳар йилга мен ўзни
масъул сезгайман,
Йиллар шодасига
бир дур тизгайман.
Фарахбаш кунлардан
то кўнглим тўлди,
Шодада дурларим
ўн битта бўлди!

Ўн бир йилда баъзи давлатлар эллик-юз йилда босиб ўтган узок тараққийёт йўлини жадал ўтиб келаётганимиз сир эмас. Мустақиллик шарофати туйфайли жаҳон мамлакатлари аро озод қад ростлаган юртимизнинг қадду баст

яққол намоён бўлмокда. Бу йилги галла ҳосилимиз, хирмонларимиз, омборларимизнинг бугунга тўлганлиги элимизнинг ҳам кўнглига янада тўқлик, хотиржамлик бахш этди. Бутун мамлакатимиз улкан қурилиш майдонига, ободончилик юртига айланиб бораётганлиги севинтиради кишини. Халқаро майдонда эришаётган дадил муваффақиятларимиз замирида, жаҳоннинг етакчи давлатлари билан алоқаларимизни мустақамлаб бораётганимиз негизда ҳам элу юртимизнинг инсонпарварлик муддаолари муҳассамдир. Қадрли кексаларимизнинг эъзоз ва ҳурмати шохсупаларга чиқариб қўйилганда ҳам фаровонлик билан маънавий-маърифий дунёимиз вобасталиги намоён



бўлади. Бу ютуқларимиз катта шодиёна қилишга арзигulik. Мамлакатимизнинг бош майдонида бўлиб ўтган байрам тантаналарида намоийш этилган "Бола кўзи билан кўринг дунёни", "Баркамол авлод — юрт келажаги", "Ватан саждагоҳ каби муқаддас!", "Вилоятлар гулдастаси", "Санъатингга ҳамоҳанг жаҳон", "Осмон тўла юлдузлар!" каби дастурлар мазмун-моҳияти билан юртимизнинг бугунги камолини акс эттирди.

Бу нурли кунлар, буюк истиқлол тантанаси гул диёримиз — она Ўзбекистонимизга муборак бўлсин! Бахту толеингизга кўз тегмасин азиз юртдошлар!

"БИРИНЧИ КЎНФИРОҚ", МУСТАҚИЛЛИК ДАРСИ!



"Биринчи кўнфиноқ!", Мустақиллик дарси, хаяжонли дақиқалар...

— Бу йил мактабимизга 202 та ўқувчидан иборат 7 та синф қабул қилдик, - дейди пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги Банк ва иқтисодиёт фанларига ихтисослашган 284-мактаб директори Муқаддас Қодирқулова. - Нафақат туманда, балки шаҳар, республикада яхши кўрсаткичларга эга бўлган мактабимизда ўқувчиларнинг яхши билим олишлари учун барча қулайликлар муҳайё. Жаҳон андозаларига

мос жиҳозланган синф хоналари, спорт майдончалари, малакали ўқитувчилар ўқувчиларни ҳар томонлама билимли, зукко қилиб тарбиялашда етакчи омил бўла олади, дей ўйлайман. Биринчи синфга қабул қилинган ўқувчиларга Президент совгалари топширилди. Биз — ўқитувчилар Мустақил юртимизнинг фарзандлари камолоти йўлида бор куч-ғайратимизни аямаймиз.

Сувратчи: Абдувосит ҲАЙДАРОВ

Ота-онамдан олган сабоқларим

Сувратдаги бу гўзал чехрани сиз яхши танийсиз. 50-йиллар охирида телевидениеда ўзининг равои нутқи, оҳанрабо овози билан кўпчиликининг эътиборини қозонган Насиба Иброҳимова! Кейинчалик бир неча йиллар масъул лавозимларда ишлаб келган Насиба Иброҳимова, бугунги кунда Ўзбекистон Давлат санъат музейига раҳбарлик қилиб келмоқда. Энг улуғ байрам арафасида Президентимиз Фармони билан Насиба Иброҳимова "Дўстлик" орденига мушарраф бўлдилар. Биз Насиба опани бу мукофот билан чин юракдан табрикланамиз, тугилиб ўсган оилаларидаги муҳит, ота-онадан олган сабоқлари ҳақида сўзлаб беришларини сўрадик.

Отам — Исмоилхўжа ака овози жуда ширали, нутқи равои, маърифатли, исломий ва дунёвий илми ўткир киши эдилар. Эсимда, маҳалламиздагиларни атрофига йиғиб "Гуруғли", "Алпомиш" каби бир қанча достонларни, "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён" романларини зўр иштиёқ билан ўқиб берар эдилар. "Қуръон"ни кироат билан ўқиганларни ҳали-ҳануз қулоғим остида кетмайди. Ўша оҳанг қалбимизга маърифат нуруларини олиб кирган бўлса не ажаб. Отамнинг бир умри бир жойда — Авиация заводида ишлаб, шу ердан нафақага чиққанларининг ўзи биз фарзандлар учун катта бир намуна, мактаб бўлган.

Ховлимизга туташ 30 сотихлик боғимиз бор эди. Унинг ёнидан ўтадиган поездда шаҳарга мева-чева олиб келиб савдо қиладиган деҳқонлар келишарди. Онамнинг ана шу деҳқонларга эрта тонг савовар қайнатиб, чой тутишларини кўриб, болаларча соддалик билан: "Сизга нима зарил, оий", — десак, "Айланай болам, булар сафардаги мусофир кишилар, савов бўлади", деб жавоб берадилар. Маҳалламиздагиларнинг: "Мукаррамхон жуда бағри кенг, саховатли аёл-да", деган сўзлари қулоғимга кўп чалинади. 7 нафар фарзандни воёга етказиб, оқ ювиб, оқ тараган онаизоримнинг саришталиги, озодлиги биз — қизларига, ҳатто наби-

раларига ҳам одат бўлиб қолганидан шодланаман.

Онам 55 ёшларида вафот эдилар. "Ёлғизлик қийнамасин" деб, отамга муслима бир аёлни топдик. "Ўша топган аёлларингни қаери онангга ўхшар экан? Онларингни қайси жихатларини кўрдиларинг унда?" деб савол бергандилар. Шундан англадикки, отамиз раҳматли онамизни ҳеч қимга алишмасканлар.

Ота-онамиз бизни ҳадеб тергайвермасдилар, "уни ундок қилгин, буни бундок қилгин", деб ўргатавермасдилар. Уларнинг оилада тутган ўрни, одоби, ўзгалар ва ҳатто биз

томатика, физика-механика институтида илмий ходим бўлиб ишламасканлар.

Рихсixon опамни ота-онамиздан ўтган мерос — маънавият-маърифатга муҳаббат туйғуси санъат оламини етаклади. Мен Рихси опам яратган муштар, мунис она образи талқинида онамни кўраман. Ҳатто қулоқларига райхонни кистириб рол ижро этганларида, онамдан келадиган райхон аралаш қалампир-



орқали эшитиш учун туни билан ухламай чиққан кунларимда, қалбимда ижодга иштиёқ уйғона бошлаган эди. Ҳамма кундузи ишлаб кечаси ўқиса, менки аксинча эди. 8-синфда ўқиб юрганымдаёқ республикадаки энг нуфузли даргоҳ — телевидениеда ишлаб, ижод қилиш масъулияти зиммамга юклатилганлар. Ана шундай кунларнинг бирида ўқишдан уйга келсам, эрталаб қад кўтариб турган уйимиздан ном-нишон йўқ! Катта тупрок уюми устида ғамгин, паршон ўтирган онамнинг қиёфаси, мана неча йиллар ўтса-да, кўз ўнгимдан кетмайди... Уйимизнинг ўрнига "Мукаррама Турғунбоева кўчаси" тушган. Фарзандлари киндик қони тўкилган муқаддас даргоҳнинг бузилиши онамга жуда қаттиқ таъсир қилди. Ана шу ғам онамни эрта вафот этишларига сабаб бўлди...

Ота-онамиз ҳар биримизнинг исми-шарифи бирор нар-

битиб қолибди. Қорнингдагисини уйлсанг-чи", дейишди. Бир оз юргач, бошқа одамлар: "Қорнингдагиси нима бўлишини билмайсан, қўлингдан боланг ўғил экан, уни асра", дейишди. Онам эса бу гапларга парво қилмай дўхтир ҳузурига шошибдилар... Мен тугилган куним акам оёққа туриб кетибдилар. Отам: "Насибали қиз бўлди, исмини Насиба қўямиз", деган эканлар...

Отам: «Ҳеч қачон бировдан қарз бўлманглар, бировдан шикоят қилиб келманглар, давлатдан ҳеч ҳам қарз бўлманглар», дер эдилар. Турли давлат тўловларини муддатидан олдин амалга ошириб қўйиш ҳаммамизга зарурий одат бўлиб қолган.

Онамиз биз-опа-сингилларга: "Аёл кишининг зийнати, саришталиги меҳмон кутмида яққол билинади", дер эдилар. Ҳар биримизда онамизнинг, отамизнинг бир жиҳатлари борлиги, ўз оиламизга хос удуларимиз, одатларимиз борлиги бизни янада яқинлаштиради. Деярли ҳар кун би-биримиз билан ҳеч бўлмаганда телефон орқали боғла-

ниш, хабарлашиш қуноқлики одатга айланиб қолган. Бизни қондошлик ришталаридан ташқари маънавий бирлик ҳам яқинлаштириб туради. Ҳаммамизда бир ўхшашлик бор — дардга шериклик.

Қўпича уйлаб қоламан: "Ватан! Қаердан бошланади у?" Опа-сингил, ака-укалар тўпла-нишганда бу саволга жавоб топгандек бўламан. Аслида отамдан, онамдан, бувамдан, уларнинг ҳар бир каломидан, дуосидан бошланади ВАТАН. Ака-ука, опа-сингиллар кўзидаги меҳрдан бошланади у...

Х. ХОТАМБОВА
ёзиб олди

ВАТАН! ҚАЙДАН БОШЛАНАДИ У?

билан бўлган муомаласининг ўзи ҳам катта сабоқ эди бизга.

Тўнғич фарзанд Карима опам энг олижаноб касб соҳибаси — шифокор бўлдилар. Карима опам "Ўтган кунлар"нинг асл нусхасини ёддан биладилар. Бу мени доим ҳайратлантиради.

Тошхўжа акам камтарин, қўли гул хунареманд. Навбатдаги опамга отам Қодирийнинг қаҳрамонларидан бири — Раънодек ақли, мушоҳадали қиз бўлсин, деб Раъно деб исм қўйганлар. У исми жисмига мос бўлиб ўсиб еттиди.

Арофатхон опам ҳам отам каби бир умр бир жойда — Ўзбекистон фанлар академиясининг Ав-

мунчокнинг антиқа бўйи димо-гимга урилгандек бўлади...

Бугунги кунда 62 ёшга кирган Йўлдошхўжа акамнинг, физика соҳасини танаб, шу соҳада изланишлар олиб бораётган укам — Анвархўжанинг умр йўлларида ҳам ота-онам берган юксак шарқона тарбия, баркамоллик бор. Бугун бу етуқлик уларнинг оилаларида, фарзандлари ҳаётида ўз аксини топапти.

3-синфдалигимда бизни бир гуруҳ ўқувчилар билан радиога олиб келишиб, овозларимизни ёзиб олишди. Менга юклатилган биргина «Беповн Ватанимизда...» деган жумлани эфир

сага боғлаб қўйишган. Масалан, Анвархўжа укамнинг исмини "Меҳробдан чаён"даги Анварга ҳавас қилиб қўйганлар. Очарчилик йилларида тугилган Рихсixon опам дунёга келган 29 декабр куни отамга иш жойидан мукофот — жуда кўп озиқ-овқат берилган экан. Ризқли қиз тугилди деб — Рихсixon деб исм қўйганлар.

Қаҳатчилик йиллари акам қаттиқ бетоб бўлиб қолган эканлар. Онам ўшанда менга ҳомилдор бўлишларига қарамай акамни опичлаганча дўхтирга чоғланлар. Қийналиб кетаётганликларини кўрган йўлдаги одамлар: "Қўлингдан болангнинг кунни

УМР ДЕГАНЛАРИ — ИШОНЧ, САДОҚАТ



Юртимизда савоб олиб яшаш бахтига сазовор бўлган одамлар кўп. Қаҳрамонимиз Жуманиёз Алибеков шундайлардан бири.

Навоий вилояти, Навбахор туманидаги Туркистон қишлоғида, оддий қўпон оиласида турилган Жуманиёз аканинг отаси ниҳоятда меҳнатқаш, юзлаб халқ достонларини ёддан биладиган зукко инсон эди. Жуманиёз оилада тўнғич фарзанд эди. Ота тўсатдан оғир дардга чалинди. Яқинлари билан вилолаштиш олдидан қўлга дўмбирасини олиб ҳамма армонлари, дардларини тўкиб солди. Кейин ёнида фақат Жуманиёз-ни олиб қолди: "Ўғлим, бошинг тошдан бўлсин. Укаларингга менинг йўқлигим билдирма. Халол, кўнгли оқ одамнинг йўли ҳам оқ бўлади. Худо бойлик ато этсин-у, кишлоғимиздаги Қулоқ ота зиёратгоҳини тиклагин. Илоҳ, Хизр буванинг назарига туш", — дея илтижо қилди. Бу сўзлар бир замонлар Навбахор қўпаларини титратган забардаст Алибек қўпоннинг сўнгги васияти эди...

Орадан йиллар ўтди. Жуманиёз Самарқанд Давлат Архитектура ва қурилиш

институтини муваффақиятли битириб, аспирантурага ўқишга кирди. Нима учундир, ҳимояси чўзилди. Шунда отасининг васиятини амалга ошириши шарт эканлигини англади. Дастлаб Самарқанд яқинидаги Севали ота зиёратгоҳини тиклаш ишлари бош-қош бўлди. Маҳалланинг, элу юртнинг дуосини олди. Кейин ўзи тугилиб ўсган, отасининг излари қолган Туркистон қишлоғи яқинидаги Қулоқ ота меъморий обидасининг таъмирини бошлади. Кишлоқнинг катта-ю-кичиги хашарга чиқди. Ўша кунлари Туркистон қишлоғи ҳақиқий байрам тусини олганди. Шу тариқа яратувчанлик хислати, савобталаблик, мурувват қаҳрамонимиз ҳаётининг

Яхшилардан сўз очдик

мазмунига айланди. Самимий ҳурмат, эҳтиромга лойиқ бу инсон ҳеч қимдан яхши-лиги, саховатини ямайдди. Бир неча самарқандлик ёш ижодкорларнинг илк китобларига ҳомийлик қилди. "Адолат" — социал-демократик партиясининг Самарқанд бўлими биринчи котиби сифатида қўлпама маънавий-маърифий тадбирлар, таниқли шoir-ёзувчилар билан учрашувлар уюштирди. Қаҳрамонимиз табиятан ташаббускор, янгилликка ўч. Юрт тарихи, адабиёти-ни тинмай ўрганади. Алишер Навоий ҳазратлари, Мирзо Бобурнинг ғазалларини, Қўпон, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфининг юзлаб шеърларини ёддан билади. Қисқаси, илгор фикрли, фидойи замондошларимизнинг олди...

Қарияларни қадрлашдек хайрли иш ҳаммамизни бугунимиз ва эртаимиз ҳақида

қучурроқ мушоҳада қилишга ундайди. Мен ота-онамнинг дуосини олиб кам бўлмадим. Кексаларни қадрлаш бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган, дейди у.

Жуманиёз ака раҳбарлик қилаётган "Автогаз" вилоят қорхонаси ташкил топган кундан бошлаб қўп болали оилаларга, қарияларга, ногиронларга, "Меҳрибонлик уйлари"га узоқ йиллардан бери беминнат ёрдам бериб келади.

Алибековлар оиласига кўпчилик ҳавас қилади. Оила бекаси Дилоромхоним ўз номларига муносиб дилкаш. Касби ўқитувчи бўлганлиги учун ҳам, турмуш ўртоғи Жуманиёз аканинг фарзандлар тарбиясига қаттиқроқ туришларига ҳечам эътироз билдирмаган. Тўнғичлари Дилафруз шифокор, Жаҳонгир иқтисодчи, бўлажак юрист Бахтиёрхон эса бугун Англияда ўз билимларини оширмоқда...

Кенжатоимиз Шохруҳ Мирзога қараб қўзим қувонади. Мен бир пайтлар, оддий кишлоқ йигити, рус тилини зўрга ўрганган бўлсам, бу тўрт тилни мукаммал билади. Сиёсат, иқтисод, спорт билан қизиқди. "Интернет"ни ҳам ўрганган олди. Яси иккалаимизнинг ундан умидимиз катта, — дейди Жуманиёз ака.

Жуманиёз ака бир неча йилдан бери "Қизил боғча" маҳалласи қўмитасини ўз ҳисобидан 10 дан ортқ газета-журналларга обона қилади. Ўтган йили ўзи таълим олган мактабига икки миллион сўмлик жиҳозлар ва ўқув қуроллари олиб берди...

Элиёк ёш оstonасида турган Жуманиёз аканинг ниятлари улуг. Ўтган умрининг ҳар лаҳзасига мурувват сочилган. Шундай инсонлар бор экан юртимизнинг эртаси ёруғ бўлаверади.

Хулқар ХАМРОЕВА

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

Биз, қариялар ёшлардан қолишмай меҳнат қилаёلمиз, — дейди Фаргона вилояти, Бешарик тумани, Сойбўйи қишлоғида 73 ёшли Қўрбонали ота Кенжаев. Ҳокимимиз Саидхон Мамадиев барака топсин, ишининг кўзини биладиган, жонқуяр, халқларвар раҳбар. Янги ҳоким ишга келди-ю, ҳали бир йил ўтмасдан на-тижаси билинди. Анчадан бери режаларни бажаролмай қолоқ ҳисобланган Бешарик тумани вилоят бўйича энг катта кўрсаткичга эришди — гектаридан 45 центнердан зиёд ғалла олди. Биз кекса деҳқонлар буларни кўриб, қувонамиз, баракаси берсин деймиз. Ёшу-қарига иш то-

ШУКРОНА

пилди, ҳозир Бешарикда бекорчи йўқ. Ҳаммаси раҳбарнинг ташкилотчилигига бўлганлиқ экан.

Энди оиламизга келсак, Хурсандой аянигиз билан турмуш қўрганимизга шу кунларда 50 йил бўлди. 10 фарзандни ўстириб, тарбиялаб элга қўшди. Бугун ҳам чолу-хампир набира-эвараларни ёнимизга олиб, деҳқончилик қилиб юрибмиз. Мустақиллик байрами арафасида ҳокимимизнинг ташаббуслари билан эллик нафарга яқин қариялар Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида саяҳат қилдик. Бу кампири иккалаимизни олтин тўйимизга катта тўхфа бўлди, деб дуо қилдик. Илоҳ, мустақиллигимиз абадий бўлсин, биз кексаларники кўнглига қараб, қачонларидир қилган хизматимизни қадрлаётганимиз, Юртбошимиз мингга кирсинлар. Элимизнинг тинчлиги, осмонимизнинг мусаффолигига кўз тегмасин.

ТУМАРИС

ҲЕЧ КИМГА АЙТМАГАН ВАРД...

- Узоқ Навоий вилоятдан кўнғироқ қиламан, опа. Икки оғизгина айтди-ган гапим бор эди. Тўғрироғи бир маса-лада маслаҳат сўрамоқчи эдим, - деди ҳаяжонли, айни пайтда гамок овозда кўнғироқ қилаётган киз.

- **Майли, гапирасан кизим - дедим.**
- Бир неча кундан бери кўнғироқ қиламан. Қандай гап бошлашни бил-маганимдан гўшакни қўйиб қўяверман. Лекин, айтмасам жудаям қийналиб кет-дим.

- **Ёшинг нечада? Нима демоқчисан?**
- Ёшим 21да. Яқинда коллежни тугат-дим. Ўзим яхши кўрган бир йигитга унаштиришди. Тез орада тўйимиз бўла-ди. Лекин, мен... мен... бир нарсадан жудаям кўрқиб турибман. Айтишга ҳам тилим бормаяпти. Бу гапни ҳеч кимга айтганим йўқ. Аслида айтганим ҳеч ки-мим ҳам йўқ.

- **Нега энди, ота-онанг-чи? Улар ҳаётмилар?**

- Онам ёшлигимда вафот этган. У ки-шидан учта фарзанд қолганмиш. Онам-нинг вафотидан сўнг дадам бошқа бир аёлга уйланиб, ўзи билан укам ва син-глимни олиб кетган. Ҳозир Муборак шаҳрида яшайди. Мен эса Навоий-да - бувимнинг қўлларида қолганман. Бувим тоғам билан бирга яшардим. Уларнинг бир неча фарзандлари бўлиб мендек етимчини жерикишиб, турткила-шиб, азоб беришарди. Уларниқидан қочиб катта холамларниқига бордим. Холамнинг болалари барчаси ўғил бўлганлиги сабабли у ерда ҳам узоқ яшай олмадим ва бошқа холамниқига кетдим. Сўнгра дадамни излаб Мубо-ракка ҳам бордим. Тўри, дадам мени "қизим" деб яхши қўтиб олдилар. Ука-ларим билан учрашдим. У ерда қолмоқ-чи эдим, дадамнинг хотини - ўғай онам: "Сен энди катта қизсан, бир гапни би-лишинг керак. Буни сенга шу пайтгача ҳеч ким айтмаган бўлса, мен айтай. Би-либ қўй, сенинг онанг киз бола пайт-да Мурод исмли йигит билан учрашиб юриб ундан ҳомиладор бўлиб қолган. Мурод онангга уйланмасдан номардлик қилиб ташлаб кетган. Эшитишимга қараганда ҳозир Қашқадарь вилоят-нинг Шаҳрисабз шаҳрида яшайди. Ман-зилини билмайман. Бу даданг эса онанг-га раҳми келиб уйлانган. Бир неча ой, ўтиб сен турилгансан. Сени "қизим" деб тан олган. Кейин укам ва синглинг ту-рилган. Шунинг учун онанг вафот этиб, кейинчалик биз турмуш қурганимиздан кейин даданг сени бувингга қолдириб, ўзидан бўлган укам ва синглини олиб кетган. «Хафа бўлма, бориб бувинг ёки хоҳаларинг билан яшайвер», деб мени қайтариб юборди.

Бу гапдан бир ахволга тушиб холамни-кига қайтиб келдим. Холам ҳам: "Ҳа

қизим, онанг - Шаҳрибону Мурод исмли йигитни севиб, унга ишонган эди. Лекин даданг - Мурод қилғулиқни қилиб, онанг-га уйланмай қочиб кетгани рост. Онанг шўрлик роса эзилди" - дея онанинг бо-шидан ўтган воқеаларни айтиб бердилар. Мен Шаҳрисабз деган жойда ҳозирда 50 ёшларга кирган Мурод исмли дадам бор-лигини биламан, холос. Лекин унинг яшаш манзилини билмайман. Билганда ҳам қўлимдан нимаям келарди.

Хуллас, кичкина холам мени тарбиялаб вояга етказди. Олдин мактабда, кейин кол-лежда ўқитди. Яқинда ишга кираман. Мана энди турмушга узатиш тараддудидилар. Ҳаётимнинг шунчалик аянчи эканлигидан хафа бўлсамда, соғ-саломат ўсиб улгай-ганим учун аввало Оллоҳга, сўнг мени ўсти-риб вояга етказган холамга раҳмат дейман. Ўз болаларидан ҳам кўрмади. Ҳозир ҳам ўзим ёқтирган йигитга турмушга бера-яп-ти. Булардан хурсандман. Лекин ҳали айт-ганимдек қалбимда ҳеч кимга айтмаган бир дардим бор. Тўйим яқинлашган сайин ва-ҳимга тушаяпман. Эндигина оғзим ширин ошга етгандай бўлганида, тақдирнинг яна бир тўқмоғи бошимга тушмасмикан...

- **Яна нима бўлди, тортинмасдан ай-тавер, - уни юпатишга уриндим.**

- Олажон, 8-9 ёшлигимда тоғамнинг ўғли менга тегажоглик қилган. Ушанда менинг номусимни барбод қилган бўлса, тўй куни кувё билса, нима дейман? Нима қилай? Бошим жудаям қотиб қолди. Шу нарсани ўйлаб кўрқиб кетаяпман, - дея йиғлаб юборди киз.

Мен бир зум ўйланиб қоламан. Тақди-ринг яна бир ўйини олдида тилим лол. Нима десам унинг дардига малҳам бўла-ман? Тақдирни қўлга олишга турган ожизги-на киз мендан мадад қутаяпти. «Ўйла-дейман ўзимга, - фақат адашма. Нима де-санг тўғри бўлади».

- Менга қара қизим, аввало ўзингни қўлга ол. 21 ёшга кирибсан. Мана ўқибсан. Яқин-да ишлайман деяпсан. Яхши кўрган ки-шингга турмушга чиқиб, бахтли бўлишни кўзла. Сени ўйлаётган муаммога кел-сак, яшайдиган жойингда шифокорлар кўригидан ўт. Ҳозирда турмушга чиқаётган қизларнинг барчаси шифокорлар кўригидан ўтишади. Сен ҳам яқинда оила ку-ришингни билдириб, шифокорлар кўри-гидан ўт. Шу жумладан гинеколог ши-фокорга ҳам албатта учраш. Балки, ва-ҳимга ҳеч қандай ўрин йўқдир. Ирода-сиз бўлма, ўз ҳаётинг учун курашишга ўрган. Келишдикми?

- Майли айтганингиздай қиламан, - дея киз хайрлашиб гўшакни қўйди. Мен эса яна ўйлайман: тўғри қилдим-ми? Нима деб маслаҳат беришим ке-рак эди? Сиз нима деган бўлардин-гиз, азиз мухлис-лар?

Лола АХМЕДОВА

Чоршанбадан чоршанбагача — Ташриф — кўнғироқларингиз...

ИККИ ТАҚДИР БИРЛАШСА...

хайрлашдим.

Унинг ташрифидан кейин бир-неча кун ўтиб, хонамга бир аёл кириб келди. Исми Машҳура экан.

- Бир-икки йилдан бери уйи-мизда эримнинг курсдош дўсти-нинг Моҳира исмли хижани ту-ради, - дея гап бошлади у. - Қизинг онаси ўлгач, ўғай она ситамларига чидай олмаб, биз-дан паноҳ истаб келган эди. Педагогика билим юртига ўқи-шга кирди, қизимиздек бўлиб қолди. Аммо ўқишини битириш арафасида бирдангина юриш-туриш ўзгариб қолди. Бир кун ий орқасига ўтиб қайт қилаётган-ни кўриб қилиб, бирдан ми-ялга "бошқоронғи бўлса-я" де-ган фикр келди. Афсуски, мен адашмаган эдим... У ҳомиладор экан.

- **Бирорта йигит билан гап-лашиб юрармиди?**

- Ҳеч сезмаганман.

- **Бўлмаса қандай қилиб?...**

- Ҳаммасини сўраб-суришти-риб билдим. Бир бойвачча йи-гит Моҳира билан унинг дугона-сини алдаб-сулдаб оёқталанти-ришга олиб борибди. Уша куни қизлар диплом ишларини химоя қилган, кайфиятлари жуда яхши экан. У қизларни яхши-лаб меҳмон қилиб, қимматбах-совга-салом билан кузатиб қўйибди. Кейин тез-тез Моҳира-ни йўлини пойлайдиган бўлиб қолибди. Охир-оқибатда қиз-нинг бошини айлантирибди...

- **Унинг қимлигини яхшилаб суриштирибдими? - сўрадим мен.**

- Қақшадарёлик йигит экан. Ту-ман солиқ бошқармасида ишлар экан. Хуллас, ўша йигит қилғи-лиқни қилиб қўйиб, Моҳиранинг қўлини пуч ёнғоққа тўлдириб-ди... "Уйланаман", "Бахтли

Тушликдан қайтиб хонамга киришим билан телефон жиринглаб қолди.

- Алло, мен Каттакўрғондан кўнғироқ қиламан, - деди эркак киши овози.

- Исми Раҳим, 1957 йилда туғилган-ман. 2 қизим, 3 ўғлим бор. Каттаси 19 да, кичиги 9 ёшда. 4 йилдан бери бо-лаларим ҳам, мен ҳам маҳалла-қўйда бош кўтариб юролмайдиган бўлиб қол-дик...

- **Ҳўш, нима сабабдан?**

- Ўзим комбинатда иқтисодчи бўлиб ишлайман. Томорқага у - бу нарсаси ҳам

БОЛАЛАРИМ ТАҚДИРИНИ ЎЙЛАСАН...

экиб, қозонимизни қайнатиб тургандик. Хотиним бир кун: "Бо-зор-ўчар қилай, болалар катта бўлишяпти, уларга тўй-тўққиз-га ёрдам тегиб қолар", деб қолди. Мен эса унинг бу гапига лақа тушиб пича пул тўғрилаб бердим.

2-3 та дугонаси билан қўшили-б Тошкентга қатнай бошлади. Бошда 4-5 сўм фойдаси бўлган-ни учун мен ҳам мамнун эдим. Охириги сафар мендан берухсат бир неча кишидан кўп миқдор-даги пулни қарз олиб кетиб-ди. Шу кетишда қайтиб келма-ди. Шунга ҳам 4 йил бўлди. Қарз берган кишилар ҳар куни эши-гимга келавериб бор бисотимни шилиб кетишди. Менга алам қилгани уй-жойли, 5 фарзанд-нинг онаси бўла туриб шундай номаъқулчиликни қиладими? Унга нима етмас эди? Кўчама-кўча, бозорма-бозор санкиб юр-гандир, ҳозир. Менинг тузим,

болаларимнинг уволи урди уни. Яқин-да бир кишидан хат бердириб юбориб-ди. Хатда у шундай дебди: "Мени ке-чиринглар, Уйга қайтиб боришга озим йўқ. Борганимда ҳам чўриликдан бош-қа нарсасга ярамайман. Мен СПИД ка-саллигига чалиниб қолдим. Яна қанча яшайман, неча йилу, неча куним қол-ганини ёлғиз Худо билади. Мен би-либ туриб хато қилдим. Сизга ва фар-зандларимга, оиламга хиёнат қилдим. Худо мени урди. Алvido..."

- Нима ишга қўл урмай, қаерда бўлмай шу гаплар ёдимга келаверибди. Кундан кун тушқулиққа тушиб ўзимни но-хуш ҳис этаётган. Нима қилсам бу дарддан қутуламан? Болаларимни тақ-дирини ўйласам, ҳали уларни уй-жой-ли қилиш учун масъуллигимни ҳис этиб ўзимни қўлга олишга ҳаракат қиламан. Барибир ҳам дард дардлиги-

ни қилар экан. Бу дард мени йикит-са болаларимнинг аҳволи нима ке-чади? Менга маслаҳат беринглар. Қан-дай йўл тутай?

- Ука, яқин жигарларингиз билан маслаҳатлашиб кўринг. Мендан кўра улар сизнинг тақдирингизга шерик бўлиб юрипти, - дедим. - Хотинингиз-ку, қилмишига яраша жазосини тортапти. Сиз соғлигин-гизни, болаларингиз келажагини ўйланг. Уларга ўғай бўлса-да, она меҳри зарур. Ўғилларингизку сиз-дан ибрат олишади. Қизларин-гизга эса аёл кишининг йўл-йўриғи керак. Уларнинг келажа-



ги учун ҳам уйланишингиз шарт. Кўнғилнингизга малол келмаса бир нарсани сўрасам майлими? Акса-рият мухлисларимиз исмини, ман-зилини сир тутишимизни илтимос қилишади. Сиз нима учун сир ту-тишимиз ҳақида сўз очмадингиз?

- Ойини этак билан ёпиб бўлмайди. Мен яшаб турган маҳалла-қўй билгач, бошқалардан сир тутишимга ҳоҳат ҳам йўқ. Очик-ойдин исминим ҳам, ман-зилимин ҳам ёзаверинг. Хотинимнинг тақдирини бозор-ўчар қилиб юрган бо-шқа аёлларга ҳам ибрат бўлсин. Улар пул топиш баҳонасида эрига, бола-ларига, оиласига хиёнат қилиб қўйиб қолмасин. Бўпти ака, кейин яна гап-лашамиз, - дея у гўшакни қўйиб қўйди. У бошда: Мен бошқилигимнинг хона-сидан кўнғироқ қилаяман, агар ке-либ қолса гўшакни қўйиб қўйишимга тўғри келади, - деганди. Назаримда шундай бўлди...

Тоҳир НОРИМОВ

Тахририятимизга бундан 3-4 ой олдин бухоролик Абдуҳаким деган йигит келган эди...

- Ўқидим, олий маълумотли бўлиб, қишлоғимга қайтдим, - дея гап бошлаган эди ўшанда. - Яхши бир корхонада иш бош-ладим. Ота-онам уйлантириб қўйишди. Яхши яшай бошла-дик, аммо орадан уч-тўрт йил ўтди ҳамки, фарзанд кўрмадик. Охири ажралошга мажбур бўлдик. Кўча-қўйда, таниш-би-лишлар олдида бош кўтарол-май қолдим. Кейин Бухоридан Тошкентга келиб яшай бош-ладим. Ишга жойлашдим, уй со-тиб олдим. Бир қараганда ри-соладагидек яшайман... Аммо... мени ишдан келганим-да қўтиб оладиган оилам, кўрганамда чарқоқларим ёзи-либ кетадиган фарзандларим бўлишини орзу қиламан. Бах-тимни топишимга, ҳаётимнинг изга тушиб кетишига ёрдам бера олармикансизлар, деган ни-ятда келдим.

Мен унга ёрдам беришга ҳаракат қилишимизни айтиб

оилам, фарзандим бўлишини орзу қиламан". Беихтиёр у қол-дирган телефон рақамини тера бошладим...

...Ўқинда кўзлари қувончдан порлаб Машҳура опа ана кел-ди.

- Бекорга "Оила ва жамият" ни севмаймизда. Маслаҳатгўй, меҳрибон дўст у. Икки ёш, икки тақдирни бирлаштириб, битта норасида гўдакка ота-онадан оладиган хотиржам бахтни берди. Бунинг учун га-зетангиздан жуда ҳам миннат-дорман, - деди у.

Яқшанба куни Чорсу бозори-га боргандим. Бирдан янги хонтахта кўтариб ўтаётган одам эътиборимни тортди. Яхшилаб қарасам, Абдуҳаким. Чап қўли-да ўйинчоқ-абажча кўтариб ол-ган. У одамлар оқимига қўши-либ уйига — оиласи томон шо-шиб кетарди...

Хурсанд бўлиб кетдим. «Рўзгорингиз бут, турмушингиз фаровон, бахтингиз зиёда бўлсин, Абдуҳаким!

Хулқар МҲМИН қизи

**Иллат излаганга иллатдир дунё,
Фурбат излаганга фурбатдир дунё.
Ким не изласа топгай бегумон,
Хиломат излаганга хиломатдир дунё.**
(Садриддин Салим Бухорий)

Юртимизга фасллар келинчаги баҳор гулдор сепини ёйган кунлар. Аниқсиз, Наврўзи олам нашидасидан диллар хушнуд.

Бирок, жисман ва қалбан нопок кимсалар учун Наврўз эзгуликларини қувончларининг сариқ чақачалик аҳамияти йўқ. Улар учун энг асосий нарсаси қинғир йўллар билан пул топиш, текин бойликка эришишдир. Жамшед Раҳимов билан Шарофат Қаюмовалар ана шундайлар хилидан чиқиб қолишди.

2002 йилнинг 22 марти. Кеч соат 23-лар чамаси.

- Бугунги оқшом сенинг шарофатинг билан роҳатбахш кечди-да, Шарофатим! Қани, ол, бахтиёр дамлар учун кўтарайлик қаҳарни!.. - деди Жамшед ўзидан ўн беш ёшлар катта махбубасига ҳирс билан боқиб.

- Майли, олайлик, олдирайлик. Фақат сизу менинг орузимиздаги шохона ҳаёт учун! - дея Шарофат қаҳарни симирган, "ошиги"нинг кўксига бош қўйди.

ИЗОҲ: Жамшед Раҳимов — 1979 йилда Бухоро шахрида туғилган, миллати ўзбек. Ўрта маълумотли, ҳарбий алоқадор, ҳеч қаерда ишламайди. Бухоро шахар, "Шарқ-2" мавзеси, 24-уй, 7-хонадонда яшайди.

Спиртли ичимлик таъсири бироз таркалган, Шарофат йигитнинг сочини силаркан: "Жамшед, миямга бир фикр келди. Шу десангиз, тўрт ҳовли нарида Нусха кампир танҳо яшайди. Қизи Тошкентга тижорат қилишга кетган, ахёнда келиб кетади. Ўғли эса бошқа жойда яшайди. Кампирнинг уйида қўлга илинадиган, бозори чақон нарсалар анчагина. Уникага бир "мехмон" бўлмаймизми? Кирганга яраша қуруқ чикмаймиз. Бунинг устига у бизга қаршилиқ кўрсатолмайди, кекса. Мабо-до, "уни"ни чиқаргудек бўлса, гумдон қиламиз, вассалом.

Жамшед бир оз ўйга толди. Кейин: "Майли, сиз айтганча бўлсин. Ҳўм сиз-

дан, ижро биздан, жону жаҳоним!" - дея "йўлбошчиси"нинг ортидан эргашди. Когон шахар Абу Райҳон Беруний номидаги кўчанинг 112-хонадони.

НАВРЎЗ ОҚШОМИДА СЎНГАН ЮЛАВУ?



Ховлида сокинлик. "Мехмон"лар ғаразли мақсадда девор ошдилар. Улар молхонадан баҳоси 35 минг сўмлик сур кўчорни етаклаб, дарвоза орқали чиқариб Шарофат яшайдиган уйга олиб бориб яширишди.

- Жамшед, "ов"имиз бароридан келаяпти. Навбатдаги "операция"ни кампирнинг уйида давом эттирамиз, деди Шарофат йигитнинг елкасига қоқиб. Энди оғзи ширин бўлган қўшнилари Нусха Аҳмеджонованинг уйи-ни мўлжалга олишди...

ИЗОҲ: Шарофат Қаюмова - 1964 йилда Бухоро вилояти, Когон туманида туғилган, миллати ўзбек. Маълумоти ўрта. Оиласидан ажрашган, қарама-ғида вояга етмаган икки нафар фарзанди бор. Ишсиз, Когон шахар Абу Райҳон Беруний номидаги кўчанинг 103-хонадонда истиқомат қилади.

Ширин уйида ётган Нусха Аҳмеджонova тўсатдан ёнган чироқ таъсирида уйғониб кетди: "Қизим келди-микан? Эшикни ичкаридан қулфлаган эдим-ку?!" - дея ўрнидан кўзалди. Қараса, хонада икки киши. Иккаласи ҳам шифонер орқасига яширинишга чоғланди. Нусха кампир улар томон юрди. «Кимсизлар? Негиз бундай...» Шу пайт

Шарофат Жамшедга "уни ўлдир!" ишорасини қилиб, бошидаги рўмонли тутқазди.

Кўзи қонга тўлган Жамшед Раҳимов

Нусха Аҳмеджонованинг бўйига рўмонли ташлаб бўғди... Кампир жон талвасасида полга йиқилди. Шу пайт Шарофат оёғи остида хириллаб ётган кекса аёлининг оғзига ёстиқни босди.

Босқинчилар бир муддатдан сўнг кампирнинг юзидан ёстиқни олишди. Хонадон соҳибаси оғзи очик, юз-бўйин қисмлари кўкарганча жон таслим қилган эди. Улар Нусха Аҳмеджонованинг бўйидаги сиртмоқ-рўмонли бўшатишди. Сўнг катта қахрамонлик қилгандек бир-бирларига ғолибона тикилишди.

- Қани, бошладик! - деди Шарофат хонадаги бўюмларга аланг-жалаң қараркан.

Улар шу кеча Нусха Аҳмеджоновани хонадонидан 170 минг сўмлик "Панасоник" русумли рангли телевизор, 70 минг сўмлик битта, 19 минг сўмлик иккита гилам, 35 минг сўмлик сур кўчорни олиб кетиб турли жойларга яширишга ҳам улгуришди.

Когон шахар ички ишлар бўлими ходимларининг тезкор ҳаракати туфайли қотил ўғрилар қўлга олинди, содир этилган жиноят иссиқ изида фаш этилди.

Босқинчилар қилмиши суд-экспертиза хулосалари, гувоҳларнинг далилӣ сўзлари билан исботланди.

Гувоҳ, Шавкат Ра-

ҳимов: «Жамшед — ўғлим. Мен Бухоро шахрида яшайман. Унинг онаси Дилбар Раҳимова билан бир неча йил аввал қонуний ажрашганмиз. 23-март тонгда Жамшед бир бош кўчорни келтириб, берган қарзи эвазига олганлигини айтди. У кўчорини ҳовлимда сақлашимни сўради. Уйда ўт йўқлиги учун бир қариндошимга бердим».

Дилбар Раҳимова: «Ўғлим Жамшед Когон шахрида Шарофат исми бева аёл билан қонунсиз яшашини билардим. Бунга қаршилиқ қилсам-да, у мени тингламасди».

Гувоҳ, Саидов Убайдулло: «Шахсий енгил машинада қиракашлиқ қиламан. Когон шахар темирйўл вокзалида бир эркак ва бир аёл кўчор ва телевизорни Бухорога элтиб беришини сўрашди. Уларни манзилга етказдим. Эртасига Когондаги қотиллик ҳақида эшитиб, милиция ходимларига билдирдим».

Ҳўм ўқилди. Судланувчи Жамшед Раҳимов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан 18 йил, Шарофат Қаюмова 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ҳар иккала жиноятчи ҳам қамоқ муддатини қаттиқ тартибли колонияда ўтказишади.

Шарофатнинг икки норасида гўдаги онасининг калтафаҳмлиги, очкўзлиги ва шафқатсизлиги туфайли она меҳри, ардоғидан бенасиб бўлишди. Ота-она меҳридан бенасиб улгайган болалар қалби бир умр кемтик бўлади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Қахрамонимиз Жамшедининг ота-онаси фарзанди бошини силамай, ажралиб кетишган. Бола бемехр, ахлоқсиз ўган. Оқибатда Жамшедининг гулдэк йигитлик умри "панжара ортида" ўтадиган бўлди. Ахир у ҳам тенгдошлари қатори ўқиши, ишлаши, бахтли ҳаёт кечирishi мумкин эди-ку?!

Азиз муштарий, Сиз бунга нима дейсиз?!

Ҳамза ФАЙЗИЕВ,
Бухоро вилоят прокурори
ўринбосари, адлия маслаҳатчиси,
Саид МИРЗОЕВ,
вилоят судининг судьяси
Лолаҳон МАНСУРОВА,
журналист

Сув балоси гарқ қилади, ўт балоси куйдиради, ёндирди, қул қилади. Тухмат балоси-чи? Бу бало-ю офат туфайли дўстлар ганимга айланган, ширин турмуш кечираётган оила-лар бузилиб, қавму қариндошлар юз кўрмас бўлиб кетиши мумкин. Не-не аллоқмат, вихдонли кишилар юрак ҳуружи, қон босими ва бошқа шу каби асабни ҳасталиқларга учраб қолади. Хуллас, тухмат баъзи нокаслар учун қудратли маънавий қуролдир. Хўш, шу қуролни мўмай даромад олиш йўлида ишлатиласи-чи? Хаёлига шу фикр келди-ю, 72 ёшли Жўра бобонинг тинчи бузилди, уйқусидаги ҳаловат йўқолди. Хўш, бу қурол билан кимни нишонга олиш керак? Албатта, "пичоғи мой устида" бўлган раҳбарларни-да. «Беайб фақат парвардигор», дейишди. Демак, бандаларининг барчасидан ўзига яраша айб топса бўлади. Аммо бу иш ҳам хамирдан қил сугурганчалик осон эмас. "Объект"ни топиш, уни обдон ўрганиш, дўсту душманларидан у ҳақда сўраб-суриштириб, маълумот тўплаш керак бўлади. Бу ишни бир киши уддалаши қийин. Жўра Эшмуродов шу қил ўйлар билан юрганда, осмондан тушгандай шерик ҳам топилиб қолди. Нормамат Темиров... "Қирчиллама қирқ ёш"даги бу инсон ҳам бел оғритмай пул топишни хуш кўраркан. Фикрлари

бир жойдан чиққан ҳамтовокларга яна битта шерик қўшилди. Лекин, у ҳали бироз ёш, энди-гина 22 ёшга кирган. Тажрибасиз бўлса-да, "разветка", яъни маълумот тўплашга "оёғи енгилроқ" одам керак-ку. Хуллас, уч-човлон гални бир жойга қўйиб, тумандаги қармоққа илинадиган раҳбарларни рўйхат қилишди, ўзаро режалар тузишди. Ҳўшқўшнослар тили билан айтганда, жинойи тил бириктиришди. Товламачиларнинг "пушка"сига дастлаб Иштихон туманидаги "Баҳрин" қишлоқ хўжалиги коллежи директори Умрзоқ Аҳмедов

тиши эслатилди. Сўз охирида «ишни бости-бости қилиш» ҳам мумкинлиги кистириб ўтилди.

Шу икки энлик қозоннинг қиймати 150 минг сўмга кўтарилди. Коллеж директори эса 120 минг сўм топиб беролди, холос. Илк дафъага етарли, ўзларини тинчлантиришди ҳамтовоклар ва бўлишиб олишди. Ие, бел оғритмай ҳам қисқа вақтда мўмайгина пул топса бўларкан-у? Бу дастлабки муваффақият фарибгарларнинг "иштаҳасини очиб юборди."

Эндиги навбатда Иштихон туман дон қабул қилиш манзилгоҳи раҳбари Илҳом Бойсариев турарди. Ушбу қорхонадаги қамчиликлар, хатоликлар тўғри-сида ҳам анча-мунча маълумот жамланди. Раҳбар билан келиш-майдиган, унинг "саховати"дан бебаҳра қолган кишиларнинг кўрсатмалари олинди. Хуллас, қорхона раҳбарининг айби 100 минг сўмга баҳоланди. Қилган қилмаган айблари битилган шикоят билан танишиб қиққан И. Бойсариев шу куннинг ўзида 80 минг сўмни "эгалари"га топширди.

Иши юришиб кетган "азаматлар" туман деҳқон бозори рай-

си Азамат Бозоровдан 45 минг сўм, туман мева-сабзавот бирлашмаси раиси Тошпўлат Усмоновдан 60 минг, "матлубот-савдо" бирлашмаси раиси Абдурашид Бўлишевдан 285 минг сўмни қурдай санаб олишди. Аслида савдо идораси раҳбаридан 300 минг сўм талаб қилинганди.

Тумандаги баъзи қорхоналарда санитария аҳоли яхши эмаслиги "уч мушкетёр"нинг гашига тегади. Бу кечириб бўлмас ҳолни санитария ва эпидемиология маркази раҳбари Хидирбой Мирзаевга изоҳлаб беришди. Бу ишни тинчитиш 150 минг сўмга баҳоланди. Табиийки, санэпидмарказ раҳбари ёнида шу топда бунча пул йўқ эди. Кечқурун уни таъмагирлардан бири — Нормамат Теми-

ўтказишганда, жиноят гуруҳи раҳбари Ж. Эшмуродовнинг уйидан 17.5 грамм кўнорни, Ш. Хўжаёровнинг хонадонидан эса 8 грамм марихуана гйёвандлик моддаси ва 31 дона майда калибри ўқотар қуролнинг жанговар ўқлари топилиб.

Энди аксинча, фарибгарлар устидан ички ишлар бўлими ва прокуратура ходимлари маълумот тўплашга киришди. Уч таъмагирнинг олиб борган ишлари Пайарик туман суди томонидан қуйидагича баҳоланди. Гуруҳ раҳномаси Ж. Эшмуродовнинг ёши бир жойга бориб қолганлиги ва жиноятини енгиллатувчи бошқа сабаблар туфайли 3 йил сино муддати тийинланди. Ш. Хўжаёров 12 йилга, Н. Темиров эса 11 йилга озодликдан маҳрум этилди. Хулоса шуки, таъмагирлар қилмишига яраша жазосини олишди. Бирок, турли идоралар раҳбарлари ҳам сал сергақ бўлишиб, озгина дўк-пўпсага қалтираб қолишмай бу ҳақда тегишли идораларга зудлик билан хабар қилишганда, "яра" газаклаб кетмасмиди?! Зеро, нима бўлганда ҳам Ш. Хўжаёровнинг 2 нафар, Н. Темировнинг 6 нафар фарзанди "отам"лаб қолмасмиди?!

Хайрулла ҲАМРОЕВ,
Ҳамза ШУКУРОВ

ТУХМАТ БАЛОСИДАН АСРАСИН

Синглим, Дурдонахон! Ярим асрлик умрим давомида ҳаётнинг аччиқ-чуқлини татиб кўрган киши бўлганимга қарамай, сизнинг аччиқ кечмишингизни ўқиб, кўларимдан беихтиёр ёш қалқиб чиқди, кўлимга қалам олиб сизга дил сўзларимни ёзмай туролмадим. Сизнинг севги ва муҳаббат тўла кечмишингизни ўқиб, «ҳаётимизда ҳавас қилса арзигулик муҳаббатлар бор эканку», дедим.

Ана, ҳақиқий севги ва севги азоби! Йигит ўлим тўшағида ётибди, лекин қиз ўзи жазм қилиб, «Бахти - қаро, фалончининг беваси», деган, тавқиланатдан кўркмасдан тўйни

Дурдона опа, бир муддат бўлса ҳам кўнглингизга қўл солиб кўринг. Ахир бу дунё ўткинчи дунё. Балки С.нинг муҳаббати Алишер аканинг муҳаббатидек мустаҳкам, самимий, беғубор, покдир. Алишер ака каби С.ни ҳам севиб қоларсиз ёки унга турмушга чиқиб, бахтли, фаровон ҳаёт кечирарсизлар. Дурдона опа, қайғурманг. Бу ўткинчи ҳис-туйғуларни унутинг. Менинг ишончим комилки, сиз албатта севишли ва суюкли ёр бўласиз. Яна бир бор ўйлаб кўришингизни маслаҳат берадим.

Сенга ариғондир чин эгу тилак Умрингизни бевасин олтин муҳаббат.

Дурдона, ўзингизни кўрмаган бўлсам ҳам, тасаввуримда исми жисмига мос қиз эканлигингизни англадим. Ҳақиқатан қараганда ҳам сизга ўхшаган қизлар камдан-кам учрайди.

Начора, синглим, Аллоҳнинг иродаси олдида биз бандлар оқизимиз. Қайғунгизга шерикман, дардингизга ҳамдардман. Яратганингиз ўзи сизга сабр-тоқат, куч-қувват берсин, азизим. Алишер акангиздан сизга ширин ҳаёллар хотира бўлиб қолибди. Асли чин муҳаббат инсонга армон бўлиб қолар экан. Бардошли бўлинг, Худо-нинг ўзи сизнинг мададкорингиз бўлсин.

Ота-онангиз ҳам жуда тушунган инсонлар экан. Уларга чексиз ҳурматимни изҳор этмоқчиман. «Менга тўғри йўлни топишимга ёрдам беринглар», дея наҳот истабсиз. Азизим, вақт ҳар қандай дардингиз энг

Хурматли Дурдона опа! Тўғриси, сизга жудаям ҳавасим келди. Чунки сиз севиш ва севилиш бахтига муяссар бўлибсиз. Бу энг катта бахтдир. Мақбулинингиз ўқиган сарим сизга ҳавасим ортиб борди. Алишер акангиз сизни шунчалик севар экан-ки, бундай муҳаббат камдан-кам одамга насиб қилади. Қанийди ҳамма ҳам сизлардай соф, беғубор муҳаббатга эриша олса, дунёда бахтсиз одам қолмасди. Сизнинг Алишер акангиз касаллигида ёлғизлатиб қўймай, қайтанга унга турмушга чиқмоқчи бўлганингиз сизнинг ироғали, ўзига ишонувчан, чин севги эгаси эканлигингиздан далолат беради. Минг афсуслар бўлсинки бешафқат ўлим сизни Алишер акангиздай ахойиб инсондан жудо қилибди. Сизлар албатта бирга бахтли бўлар эдинглар. Сиз Алишер акангиз учун кўк кийиб аза тутибсиз. Бу сизнинг Алишер акангизга бўлган садоқатингиз белгисидир.

С.га келсак. У Алишер акангизга ўхшаган ахойиб йигит экан. Сизни чин дилдан севар экан. Алишернинг ота-оналари

тезлаштиришни сўраши, севишли кишини охириги дақиқаларда янада бахтли кўришни ўйлаши, бу жуда катта жасорат. Дабдабали тўйдан воз кечиб, кичкинагина тўй ўтказиб бўлса: «Мен уларни бахтли қиламан! Менга уйланишдек орзу-си-га етсин», деб севган кишининг охириги нафасигача бирга бўлган, умрининг сўнгги лаҳзаларида охириги кучларини тўплаб «Дурим» деган қалб давватини эшитишга муяссар бўлган, чинакамига севган ва се-

вилган синглим Дурдонахон, сиз ҳақиқатда дoston битса арзийди. Сиз ибולי ва ҳаёли ўзбек қизи экансиз.

Шам умридек қисқагина муддат ичида бўлгуси қайнона ва қайнотангизнинг ҳам муҳаббатини қозонибсиз.

Дурдонахон! Сиз қисқагина давр ичида, севиш ва севилишдек олий неъматдан баҳраманд бўлдингиз. Сизни севган ва ардоқлаган кишинингизнинг яқинлари муҳаббатини қозондингиз. Сизнинг бахтингизга, ҳамдард

бўлган ўта зиёли онажонингиз ва дадангиз борлиги олий бахт! «Севгим хурмати учун кўк кийиб, аза тутиб юрибман», дебсиз. 5-10 йиллаб бирга турмуш қуриб, 2-3 нафар фарзанднинг онаси бўлиб умр йўлдошининг «қирқи»ни ўтказмасдан аза тутмай, отасининг уйига қайтиб кетган хотинлар камми?

Алишер ўзининг умри қисқалигини билиб, дўстига: «С. сен жуда яхши йигитсан, Дуримни сенга топшираман. Уни мен ўзим орзу қилганимдек бахтли

қил! Яна илтимос, уни сев, қадрига ет! Асло унинг кўзидан қайғу ёшлари оқмасин!» - деб сизларнинг бахтингизга фотиҳа ўқибди. Бу ҳақиқий дўстининг, ҳақиқий инсоннинг - мард инсоннинг сизга васияти эмасми?

Сизга ушбу тилак ва истакларим бахтли келажагингизга ундашда заррача бўлса-да туртки бўлса ўзимни бахтли ҳис қилардим.

У. ЖУЛЛИЕВ

Қашқадарё вилояти, Муборак шаҳри

ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАВЕРАДИ



Сендан вафо тилар ишқ тўла юрак, Сен билан гўзалдир азалдан ҳаёт.

Муниса ФОЗИЛОВА

Қашқадарё вилояти, Фузур тумани

ЭСЛАТМА: Бир кун машинада кетаётиб йўлда Алишер исми йигитни учратиб қолди. Бу учрашувларимиз нисҳаси севги билан якуни топди. Биз бахтли эдик, алмо бевақт келган ажал уни менидан тортиб олди. Севгим Алишернинг дўсти С. менга уйланиш нияти борлигини айтганида, бошим қотиб қолди.

ДУРДОНА

Дурдона опа, дил изҳорингизни ҳаяжон билан ўқиб чиқдим.

Сизнинг тақдирингизга ўхшаш бир воқеа эсимга тушиб кетди. Кўшимиз Фаррух Шахло исмли бир қизни севиб қолади.

Улар ҳам худди Алишер ака ва сиздек бахтли эдилар. Тўйларидан сўнг жуда бахтли яшай бошлашди. Орадан бир йил ўтиб фарзанди бўлишди. Маҳалламиздагилар, қўни-қўшнилари, хатто мен ҳам ҳавас қилардим. Лекин бу бахт узоққа чўзилмади. Тақдир тақозосини ёки уларга кўз тегдими, билмадим. Байрам кун эди. Қизалоқлари бир ойлик бўлганда Фаррух ака «Тико» машинасида кетаётиб автохалокатга учрайди. Орадан 3 кун ўтиб Фаррух ака оламдан кўз юмди. Ҳаммани қон йиғлатиб, суюкли хотини, қизалоғини ташлаб кетди.

Орадан кунлар, йиллар, ойлари ўтди. Шахло опа уларга аза тутиб кўк кийди, йилларини ўтказди. Ота-онаси Шахло опанинг бахтини, келажагини ўйлаб уни бир одобли йигитга турмушга беришди. Улар аста-секин бир-бирларига қўниқиб, яхши яшай бошлашди. Шахло опанинг турмуш ўртоғи қизалоқни ўз қизидек яхши кўриб қолди. Жўлас, улар жуда бахтли ҳаёт кечиришади. Эру хотин қизалоқни олиб Фаррух акани қилиб келиб, ота-оналаридан хабар олиб туришади. Яқинда улар ўғилчали бўлишди...

Хурматли Дурдона опа, сизга бу воқеани ёзишдан мақсадим, сиз ҳам С. исмли акага турмушга чиқинг, албатта бахтли бўласиз.

Шу ўринда С. акага икки оғиз сўзим бор. «С. ака, Дурдона опам агар сизга турмушга чиқсалар, дўстингиз Алишер ака хурмати уларни бахтли қилинг. Юзларида гам, кўзларида ёш бўлмаслиги учун ҳаракат қилинг...»

НИГОРА УБАЙДУЛЛАЕВА

Наманган вилояти, Чортоқ тумани

«Бахтли бўлишимни истасан ёрим» — 28-29-сон

Синглимиз Дурдонахон, сизнинг ҳам дардли, ҳам қувончли дил изҳорингизни ўқиб, қалбим ҳам ўксинди, ҳам қувонди. Чунки «қувондим» деганимда,

ҳаётда яна бир бор ҳақиқий муҳаббат, вафо-ю садоқатнинг гувоҳи бўлдим. «Ўксиндим» деганим, энг оғир бир жудалиқнинг гувоҳи бўлдим ва сизнинг дардларингизга мен ҳам шерикман.

Дурдонахон синглим, сизнинг ёзганларингиз менинг дардимга қисман ўхшаб кетади. Фақатгина бироз фарқи бор. Келинг, яхшиси бироз юрагимни очай, кейин фикримни баён қилай. Мен ҳам бир қизни қаттиқ севаман. Лекин у бунга билмайди. Чунки мен унга севгимни изҳор қилганим йўқ. Сабаби, 1994 йил феврал ойларида ҳафакон касалига йўлиқиб, дард чекдим ва ҳаётдан умидимни бутунлай узгандим. Худога шукр, тузалдим. Аммо, ўшандан кейин бошимда касаллик аломати — ҳар хил товушлар, билинар-билинмас оғриқ қолди. Шу туфайли мен ҳалигача севгимни изҳор қилишга иккиланаман. Менинг касаллигимга у қандай муносабатда бўларкин? Қиз эса ҳали турмушга чиққани йўқ. Севгимни изҳор қилишга ва унга етишимизга менда имконият бор. Лекин, мен кўрқаяпман.

«Чунки, дардим зўрайиб, дунёдан кўз юмиб кетсам нима бўлади?» деган ҳадиқ ва кўркув юрагимга ваҳима солади. Шу туфайли дардимни ичимга ютиб яшайман. Аммо, орзуларим бисёр. Ишқилиб армон бўлиб қолмасин. Энди фикримни баён этсам. Сизнинг Алишер акангиз мард, жасур ўғлон экан. Мен каби дардини ичига ютмабди. Сизни севиб, севиш

ва севилишдек энг олий бахтга сазовор бўлибди. Алишер акангизда ҳаётга иштиёқ кучли бўлган ва мўъжиза рўй беришига ишонган. Шунинг учун дадил қадам ташлаб, сизнинг пок севгингизга, муҳаббатингизга, қалбингизни забт этишга эришган. Афсуски, сизларни ўлим ажратди. Ўлим ҳақ! Начора, тақдир, қисмат шундай экан. Айтишлари-ча: «Туғилажак фарзанд онанинг қорнидалигидек умрини тилаб олар экан». Алишер акангизнинг тилаб олган умрлари шудир. Қисқа ҳаёт кечирса ҳам, мазмунли ҳаёт кечирибди. Унинг мардлиги, матонатлилиги, қизқувчанлиги менга ва мен каби инсонларга ибрат, сабоқ бўлди, деб ўйлайман. Илоҳим жойи жаннатда бўлсин! Рухлари шод бўлсин!

Дурдона синглим, сизга тилагим шуки, С.га турмушга чиқинг. Чунки севгилингиз сизни унга ишониб топширган. Агар С. Алишер акангизнинг ҳақиқий дўсти бўлса, сизни бахтли қилади. Қолаверса, бу васият экан. Агар унга турмушга чиқиб - бевафалик бўлади деб ўйлаётган бўлсангиз, хато қиласиз. Бу бевафалик эмас. Сизларни тақдирнинг ўзи учраштириб, ўзи айирди. Алишер акангизни унутинг демоқчи эмасман. Фақатгина номини қалбингизга муҳрлаб, ҳаётга зўр қизиқиш, интилиш билан қаранг. Умр дарё каби оқиб ўтаверади. Сизда яна бахтли бўлишга имконият бор.

Дурдона синглим, Алишер акангизга бўлган садоқатингиз ҳақиқат сиз яшашингиз ва она бўлишингиз керак. Унинг номини абадийлаштиришингиз керак, яъни фарзандларингиздан биронтасига исми-ни қўйишингиз керак. Кейинги ҳаётингиз тўғрисида севишли газетам «Оила ва жамият» орқали билиб оламан деган умиддаман.

ХУСНИБ ОТАЖОНОВ
Хоразм

**Хурматли Юсуфжон ХАЙРУЛЛАЕВ!**

Сизни туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сihat-саломатлик, бахт-у иқбол тилаймиз.

Эхтиром ила курсдошларингиз

**Хурматли тоғажонимиз Латифбек ИЗРАИЛБЕКОВ!**

Сизни 50 ёшга тўлишингиз билан табриклайман. Оилавий бахт ва соғлиқ тилайман. Ишларингизда омадлар ёр бўлсин.

Жиянингиз Баходир

**Мен учун азиз бўлган неважонларим ОЙБЕКЖОН ва ИЛҲОМЖОН!**

Сизларни таваллуд айёмингиз билан табриклайман.

Узоқ умр, бахт, саодат, соғлиқ тилайман.

Бувижонингиз Жумато-ва Анора, амакингиз Шерзод ва амажонингиз Шоира



Инглиз тилини сифатли ўргатаман.
Тел: 76-62-78

"BEGOYIM - SERVIS" ўқув маркази қизларни турли хил курсларга таклиф қилади:

Сартарошлик 1 ой (тўй ва оқшом гуллари); Сартарошлик 2 ой (бошланғич); Бичиш-тиқиш 4 ой; Қандолатчилик 2 ой (торт, салат, печенье); Уй ҳамшираси 2 ой (амалиёт билан); Массаж 2 ой; Парда 2 ой (парда, пакьявал, чойшаблар тиқиш); Олий даражадаги қандолатчилик 1 ой (келин-куёв ясаш, торт безатишлар); Косметология 2 ой (амалиёт салонда); Инглиз тили 3 ой (бошланғич); Автосларлик; Ўқил болалар учун 3 ой (электрик, моторист, чилангир, костаправ).
Ҳамма дарслар амалиёт билан ўтилади ва диплом берилади.
Мўлжал: Поликлиника, Ўрда бекати
Манзил: Мустақиллик мотроси, Алишер Навоий кўчаси, 2-уй, 74-хона
Телефонлар: 144-40-47, 41-16-63

**"Дилбарим - сервис"**

ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ СИЗЛАРНИ КУЙИДАГИ ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

4 ойлик 1. Бичиш-тиқиш; 2. Торт, салатлар ва пишириқлар тайёрлаш; 3. Уй ҳамшираси (амалиёт билан); 4. Умумий массаж (амалиёт билан); 5. Қаштачилик (вышивка). **2 ойлик 1.** Косметология; 2. Сартарошлик. **1 ойлик** (бадий маникюр, педикюр).
Ўқиниш тамомлаганларга диплом берилади.
Бизнинг манзил: Сирғали 3, Массана кўча, 1-уй, УПК биносининг 3-қавати.
Мўлжал: "Сирдарё" кафеси ёнида. Тел: 49-18-71 (8 дан 22 гача), 57-37-86 (10 дан 16 гача).

"INLEC" даволаш маркази, табиблар ва олий тоифали врачлар ҳамкорлигида шифобахш гиёҳлар ёрдамида куйидаги касалликларни даволайди: асоратланган ревматизм, полиатрит, инсультдан кейинги асоратлар, оёқ шишлари ва узоқ битмайдиган яралар, қандли диабет асоратларини. Тел: 34-21-16.
Кундузи — 50-21-16, кечкурун — 22-48-65.

Компютерда янги ўзбек алифбосида ва кирилча матнларни тарадиган саводли ходим керак.
Телефон: 136-01-94

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕРОВ МЭЛИС РОЗИЕВИЧ

Энурез хасталиги билан оғриган 10 ёшдан ошган қовуғи бўш ўғил ва қиз болаларни батамом даволайди.

Буйрак, қовуқ, простата беги касалликларини аниқлайди ва даволайди.

Қабул вақти сешанба, чоршанба, пайшанба, якшанба кунлари соат 9.00дан 18.00 гача.

Манзил: Тошкент тумани, Генерал Собир Раҳимов номи жамоа ҳўжалиги, Бобоев кўчаси, 12-уй. "Чорсу" шохбекати-дан 464, 469,522-автобусларнинг "Генерал Собир Раҳимов" бекатигача борилади.
Телефон: 8 296 56023
Лицензия рақами 3271

РЕСПУБЛИКА "ОИЛА" ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҚОШИДАГИ "ОИЛА ЗИЙНАТИ" МАРКАЗИ

Қизларни ва келинчақларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида куйидаги ўқув курсларни ташкил этди:

2 ОЙЛИК:

1. Бичиш-тиқиш (тезкор гуруҳ), бир ойга - 6000 сўм. 2. "Элита" усулида пардалар, чойшаблар тиқиш, бир ойга - 4000 сўм. 3. Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш, бир ойга - 4000 сўм. 4. Сартарошлик, бир ойга - 5000 сўм. 5. Компьютер билимлари, (Windows-98) бир ойга - 5000 сўм. 6. Массаж, (амалиёт билан) бир ойга - 4000 сўм. 7. Фантазияли гул безакларини ясаш, бир ойга - 4000 сўм. 8. Косметология, бир ойга - 5000 сўм.

3 ОЙЛИК:

1. Зардўзлик (бухороча), бир ойга - 4000 сўм. 2. Машинада гул тиқиш, (вышивка) бир ойга - 4000 сўм. 3. Кўрпа-кўрпача ва тўн тиқиш - 4000 сўм. 4.

Юмшоқ ўйинчоқлар ва бешик асбобларини тиқиш - 4000 сўм.

4 ОЙЛИК

Бичиш-тиқиш (бошловчилар учун) бир ойга - 4000 сўм. Машгулотлар амалиёт билан бирга қўшиб олиб борилади. Кам таъминланган оила фарзандларига чегирмалар бор. Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.
Телефонлар: 45-18-68, 29-28-58.
Манзил: Фуркат кўчаси, 1-уй. Спорт кўмагаси биноси ёнида, 4-қават, 410-хона. Мўлжал: метронинг "Халқлар Дўстлиги" бекати.

**УНИ БАХТЛИ ҚИЛИБ ЯШАРДИМ**

Ёшим 26да, маълумотли, касб-корлиман. Худога шукр, қўлимдан ҳамма иш келади, одобим, кўринишим ҳам жойида. Овқат ва **Қайда ўзи ўша бахт?** пишириқларни яхши пишираман, уй-жойим ҳам озода. Фақат... бахт мендан юз ўгирган. Турмушим бузилган. Икки нафар гулдек фарзандим бор. Улар ота меҳрига зор.

Қанийди, шундай одам учрасаю, фарзандларимни ўз тарбиясига олса, "болам" деб ўз боласидек кўрса. Мен эса бутун умр шу инсонга меҳримни, ҳаётимни бағишлаб уни бахтли қилиб яшардим. Ёруғ кунларга ишониб яшайман...

АЗИЗА

Тошкент вилояти

ИЛОН ВОҚЕАСИ

Уйим отамларниқидан унча узоқ бўлмаганили учун деярли ҳар кун бирров кириб чиқардим. Ўша кун ҳам бордим. Ҳаммаёқ оёсийишта эди. Кечкурун тушимда мени ўнг оёғимдан илон чақиб олди, оёғим бир жиз этди-ю, оғримда, тушим бўлсада мен ўйладим: илон чақди-ю, нега оғримаяпти деб. Илоннинг ранги қора бўлиб, йўғонлиги жимжилоқдек, узунлиги ярим метрдан зиёд эди. Эрталаб тушга ҳар нарсани кираверди-да, дедим-у кўйдим. Уй ишларини қилиб бўлган, қўшим билан бозорга чиқдим. Бозорга кираверишда синглим Гулбаҳорни учратиб қолдим. Ўйдагиларни сўрасам, ҳовлиқиб деди: "Кеча ўктамни илон чақиб олибди. "Тез ёрдам"да район марказига олиб кетишди." Мен жимжилоғимни унга кўрсатиб сўрадим: "Қалинлиги шундай қора илонми?" "Худди шундай. Ўйга борибсиз-да?" деди у ажабланиб. "Йўқ, кеча тушимда шундай илон чақиб олганди мени", дедим. Синглим анграйганича қолаверди, мен эса уйимизга бордим. Ўнг қўли боғланган укам айвонда юрган экан. У даладаги ҳовлимизда каламушга қопқон қўйган экан, унга илон тушибди. Кўрмаганимни ёки ўлган деб ўйлаганимни, қопқонни кўтариб келаятса, қўлдан чақиб олибди. У тезда оғзи билан захарни сўриб туфлайверибди, шунинг учун бугун яхшигина юрган экан. Ахир кеча оёғим жиз этиб кейин оғримдан эди-да. Кейинроқ бизлар бошқа туманга кўчиб кетдик. Бир кеча тушимда поезд елдек учаяпти. Айлана шаклдаги темир йўлга жуда яқин ерда Зоир исмли укам ётибди. Поезд ҳар айланиб келганда укамга тегиб кетади деб жонхалак бўлиб уни турғизмоқчи бўламан. Бир маҳал қарасам укамнинг кўкраги шилинган.

"Тургин, жойинг ифлос, тоза жойга ўтиб ёт", дедим. Хомуш бўлиб юрдим. Ҳафтага етмай яна у тушимга кирди. Бу гал у милицияга тушган экан, ёғоч сўрида қўлларини чаккасига қўйиб гуҳанак бўлиб ётибди. Турмуш ўртоғимга ёрилдим: "Нега бу бир ҳафта ичида икки марта тушимга кирди. Нимадир бўлдиёв." Зоир жуда шўх йигит бўлиб, қилган саргузаштларини анчадан кейин эслаб гурун бердиш одати бор эди. Ойлар ўтиб меҳмонга борганимда онамга гурун берарди: - Қишда ўртоғим Фарҳод билан Тошкентдан яхшигина пул ишлаб қайтаётган эдик. Жиззах станциясига келганимизда бу ёқларда комбокрнинг жуда арзонлигига гувоҳ бўлдик. Хисоб-китоб қилиб қарасак, ўзимизнинг нарх билан сотсак фойда анчагина. Бир «КА-МАЗ» емни олиб, йўлга тушдик. Ўтган киш жуда совуқ келиб йўллар ҳар кун музлюк бўлмаганимни, сирпанчик йўлда «КА-МАЗ» ағдарилиб тушди, ем илон зизи бўлиб тўқилди. Бор маблағ куйди, ўзимиз сал жароҳат олдик.

- Бирор шикаст етмадимми?

- Кўкрагим шилинди.

- Шундан кейин милицияга тушганим йўқми?

- Э-э, сиз қаердан биласиз? Ҳали мен бунга ҳеч кимга айтганим йўқ-ку. У кула-кула хикоясини давом эттирди. Бор маблағдан айрилиб уйга қуруқ келишни эп кўрмай яна Тошкентга қайтдик. Шаҳарда Фарҳод бир-икки та шаҳарлик йигит билан уришиб қолди, мен ҳам қўшилиб кетдим. Милиционер иккови-мизни ҳам олиб бориб авахтага тикиб қўйди. Уч кун меҳмон бўлдик, тўртинчи кун: "Уйларингга жўнашлар, иккинчи бу ерда кўрмайлик", - дейишиб чиқариб юборишди. Ҳа, энди айтнинг-чи, Сизга ким айтди?

- Тушимда кўргандим, - дедим мен.

Ойимноз УСАНОВА

Бойсун тумани

«ЎКТАМХОН» ўқув маркази қўишга таклиф этади: (ўқушга ҳар ойида қабул қилинади)

1. Бичиш-тиқиш - 3 ой; бошловчилар учун - 6 ой. Бунда сиз 100 дан ортиқ замонавий либослар, қостом-шим, бешик усти жиҳозларини бичиш-тиқишни моделлаштиришни ўрганасиз. 2. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ой ўқуш, 2 ой амалиёт машгулотлари ўтилади; 3. Қаштачилик - 3 ой, машинада тиқиш - 3 ой; 4. Зардўзлик (бухороча) - 3 ой; 5. Сартарошлик - 3 ой (амалиёт билан), эркаклар учун - 2 ой; 6. Массаж (амалиёт билан) - 2 ой; 7. Торт ва турли хил пишириқлар - 2 ой; 8. Инглиз тили - 3 ой; 9. Парда ва пакьяваллар тиқиш - 1 ой.

Ўқиниш тугатганларга диплом берилади. Лиц: № 587

Манзил: Ёнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Ёнусобод бозори орқасида. Тел: 121-77-72 (соат 8 дан 17 гача), 125-46-27, 125-97-93 (кеч соат 17 дан 22 гача).

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази қўидаги курсларга таклиф қилади:

2 ойлик: - Компьютер билимлари: (Windows-98; MS Office; Internet - E-mail); - Компьютерларни ростлаш ва модернизациялаш; - Замонавий бухгалтерия ҳисоби; - Замонавий пардалар ва чойшаблар тиқиш ("Элита" усулида).

3 ойлик: - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер таълими; - Инглиз тили, видео-аудио материаллар ёрдамида (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун); - Тиқиш-бичиш, моделлаштириш (енгил ва устки кийимлар). Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.

Манзил: Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй, 2-қават, 55-хона. Мўлжал: Метронинг "Алишер Навоий" бекати, Стоматология поликлиникаси ёнида. Тел: 144-03-25, 144-92-39, 22-59-55

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИҚИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚўЛЛАР»

Қўидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади: - Модел-технолог (бичиш-тиқиш курслари) - 2; 4 ойлик; - Модел-конструктор (янгидан моделларни яратуви, 100% бешек билан шўрпалавчи шартли асосида) - 2 ойлик; - Эркаклар кийими - 2 ойлик; - Айблар қостоми, палтоси, плаши - 3 ойлик; - Дарпарда, парда, чойшаб, ёстик, дастурхонлар - 1,5; 3 ойлик. ДИҚҚАТ! Хоҳловчилар учун яқна тарзда кичик-гуруҳларда (3-5 кишилик) олиб борилади. Ёлги таътил даврида махсус гуруҳлар қабул қилинади. Мақтаб ўқувчилари учун чегирмалар мавжуд! Битирувчиларга диплом берилади.

Қабул ҳар кун (яқнабадан таъшири) соат 10 дан 14 гача. Манзил: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона. Мўлжал метронинг "Амир Темур" бекати, Магазин "Top moda". Тел: 133-73-97, 76-71-95.

Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергия, бўғин, ошқозон-ичак хасталиқларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергия касаллиқларини аниқлаб, даволашда турли аллергияларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Уйғур Ҳўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар - 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай - 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 42-56-50.



Икки нафар фарзандим, олижаноб турмуш ўртоғим бор. Ўзим нуфузли ташкилотлардан бирида ишлайман. Ҳаётим яхши, бир аёл орзу қилгудек уй-жойим, етарли давлатим ҳам бор. Ўзимни бахтлиман дейишга юрагимдаги бир армон тўқинлик қилаверарди. Бу армон бир вақтлар қўл узатсам етишим мумкин бўлгану, лекин тақдир қўшмаган биринчи муҳаббатим. Яқинда мен ўша ўттиз йил аввал ҳаётимга кирган ва йиллар давомида адоқсиз соғинч билан кўмсаганим Рустам билан учрашдим. Тақдир бизни учраштирганда иккимиз ҳам ёш, бахтли, кўнглимиз орзуларга тўлиқ эди.

Мен мактабни битириб Тошкентдаги ўқув даргоҳларидан бирига ўқишга кирганимизда маҳалламиздаги бир йигитга унаштирилган эдим. Талабалик давримда бир йигит билан дўстлашиб қолдик. Мен унашилган қиз эдим, шунинг учун ортиқча гап-сўзларга қолишни истамасдим. Рустам баланд бўйли, жуда одоли ва меҳрибон йигит эди. Мен унга унаштирилганлигимни айтгандим. У билан учрашиб қолганимизда гаплашиб ўтирдик, холос. Кейин ўқишларимиз тугади. Бир ойдан кейин эса менинг тўйим бўлиши керак эди. Хайрлашаётганимизда у менга билганини очиб кўрсатди. Қўлига игна билан "Умида" деб ёздирди. Биз сўзсиз хайрлашдик. Уйга келганимда тўйимга қизгин тайёргарлик бўлаётганди. Ҳамма хурсанд, бахтиёр — мен эса йиглардим. Мен турмушга чиқаётган йигит қишлоғимиздаги энг кўркам, бўйи-баста келишган, худди ҳинд киносидаги йигитларга ўхшарди. Ота-онамнинг орзусидаги тўй ҳам бўлиб ўтди. Мен эса эримнинг ҳар бир сўзидан, ҳатто кўлларидан ҳам Рустамга ўхшайдиган жиҳатларини излардим. Излардим лекин топа олмай ўқинардим. У борган сари кўзимга совуқ кўринар, кўнглимни олиш учун қилган барча ҳаракатларидан энсам қотарди. Уч ойгача бир амаллаб чидадим кейин уйимизга кетиб қолдим. Ҳамма хайрон эди. Яшириб нима қиламан, ўзимнинг қлиғимдан ўзим ҳам хайрон бўлардим. Бироқ кўнглимга буйруқ бериб бўлмас экан. Уйдагилар ҳам ахволимни тушунишди. Бунга қарангки, уйга келганимдан кейин бир ҳафтадан сўнг Рустамдан қат келди. Мен унга бўлган воқеаларни ёзиб юбордим. Орадан бир ой ўтгандан кейин Рустам қишлоғимизга келди. Биз қишлоқ четигадои сой бўйида анча гаплашиб ўтирдик. Рустам менга: "Умида, сен билан бизнинг тақдиримиз қўйилган экан. "Ажрашганим", дея кўнглинг чўкмасин, мен сенга уйланаман. Мана кўрасан, бизни ҳеч ким ажрата олмайди. Биз энди узоқ ва бахтли ҳаёт кечирамиз. Бизнинг томонларда ҳеч ким сени турмушга чиқиб ажрашганимни билмайди, бунга ҳеч кимга айтмаймиз", - деди. У айтиганида турди. Кейин унинг ота-онаси совчиликка келишди. Тўй кунини белгиланди. Дилимда ҳам, тилимда ҳам Рустамнинг номини такрорлардим. Бироқ, тўй кунини яқинлашса ҳамки қудалар томонидан ҳеч қандай хабар келмасди. Уйдагилар тавшишлана бошлашди. Мен аввалига парво қилмаган бўлсам-да, кейин юрагимга гўлгула тушди. Белгиланган тўйга бир ҳафта қолганда ҳам, тўй кунини ҳам қудалардан дарак бўлмади. Ота-онамнинг қай ахволда қолганлигини тасаввур қилаётгандирсиз. Фалончининг қизини унаштиришган-

дан кейин ташлаб кетишибди, деган сўзлар... Турли пичир-пичирлардан безган бечора ота-онам шаҳардан келган нотаниш, ўзимдан 16 ёш катта, бир фарзанди бор кишининг совчиларига оқ ўратиб юборишди. Ота уйимдан иккинчи бор хўнг-хўнг йиглаб, бу гал ҳам суймаганимга узатилиб кетдим. Рустамдан шу кунгача дарак бўлмагани учун: "Ё у мендан кечиб кетди, ёки ота-онаси менинг ажрашганимни билиб рози бўлишмади", дея тақдирга тан бердим. Кўндим. Бироқ! Мени узатишган кунни уч соатдан кейин Рустам келибди. Эшикни очган отам ҳамма гапни ётиги билан айтибди. Рустам йўлда йиглаб кетаркан, дугонам Мехрини учратиб қолибди. У севгимизни биларди. Бошидан ўтганлар-

та даргоҳлардан бирининг бошлиғи вазифасига қўтарилди. Боя айтганимдек биринчи севгим умримнинг беағи бўлиб, менга куч-қувват бағишларди. Эҳтимол, ёши элликка қараб кетган аёлнинг бу гаплари ножоиздиру, лекин кўнглимга бир мартагина ато этиладиган бу туйғунинг қаршисида инсон ожиз экан. Рустамни ўттиз йил давомида кўп уйлаган бўлсам-да, уни излаш, бир учрашишни ўйламагандим. Бироқ! Тақдир тақозоси ва хизматим юзасидан уларнинг вилоятга хизмат сафарига боришимга тўғри келди. Буни қарангки, мен текширишим керак бўлган ташкилот Рустамларнинг қишлоғидан бор-йўғи бир неча километр нарида экан. Бир ҳафта давомида тунлари кўзимга ҳеч уйку

жой кўрсатди. Мен эса: "Чиндан ҳам қимлигимни танимадингизми?" - деб сўрадим. У эса жимлайиб, бош чайқади. Кейин мен чидаб турулмам. "Наҳотки исминини қўлингизга ўйиб ёзган қизни унутган бўлсангиз?" - дедим. У эса аввалига қотиб қолди. Кейин ўзини креслосига ташлади. "Умида! Умида!.. Наҳотки?.. Кўзларимга ишонмайман", - деди. Сўнг олдимга келди. Унинг кўзларидан ёш оқарди. "Сиз-а, ҳа, бу сиз-сиз, Умидахон! Бутун ҳаётимни остин-устун қилиб юборган Умидасиз!" - дерди кўлиб. Бироздан кейин ўзимизни босиб олиб сўзга тушдик. Бироқ вақт анча кеч бўлиб қолганди. Мен эса кетишим керак эди. Икки кундан кейин бир жойда учрашшга келишдик. Уйга кетаяпману суюниш ўрнига худди қалбимдаги азиз бир нарсамни йўқотиб қўйгандек сезаман ўзимни. Бир амаллаб икки кунни ўтказиб унинг олдида бордим. Мен Рустамни ўша жойда бир кучоқ пушти атиргуллар кўтариб мени қотиб туради, кейин гуллари менинг оёқларим остига ташлайди, тўлиб-тошиб муҳаббатимиз ҳақида гапирди, деб ўйлаб ҳаяжонлардим. Мен элликка бориб қолганман дегандим. Лекин шунга қарамасдан ҳали ҳам чиройли кўринишдаман. Йўқ, учрашувимизда ундай ҳаяжон бўлмади. У бир четда рўмолчаси билан елпиниб турган экан. Сўрашганимиздан кейин жойлардан бирига бориб ўтирдик. У егуликлар буюрди. Мен уни қўлдан қутилган бу учрашувга шахзодалардек кийиниб келади, деб ўйлаган-

СЕВГИМ — БАХТИМ



келмади. Негадир 18 ёшли қизлардек ҳаяжонланардим. Кетадиган куним уйга кета олмай қолдим. У ҳақида бирор хабар эшитмасдан кетишни сира истамасдим. Рустамларнинг қишлоғига биз томондан бир қиз келин бўлиб тушганди. Текшираётган ташкилотимнинг раҳбарига ўша тани-

ЕНИМДА ЭКАН...

ни сўзлабди.

«Кекса ота-онасининг бошқа вилоятдан келин олишга кучи етмагани учун Россияга мева-чева олиб сотгани кетган экан. Ишлари юришиб, қўни-қўнжи пулга тўлибди. Лекин кўричаги ёрилиб кетиб, у ёқда касалхонага тушиб қолибди. Кеча уйига келиб менинг ёнимга бир олам севинч билан учиб келган экан... Хуллас, тақдирнинг буюргани бўлди. Тўйимиз бўлиб ўтгандан кейин бир кунни уйда ёлғиз ўтиргандим. Хат ташувчи бир мактуб ташлаб кетди. У бўм-бўшга ўхшарди. Йиртиб ичини очсам, бир қуриб-қовжираган нарса ерга тушди. Олиб қарадим қотиб қолдим. Ундаги "Умида" деб ёзилган сўзларни аранг ўқидим йиглаб юбордим. Бу биз ўқишни битириб хайрлашаётганимизда Рустам кўрсатган, қўлига игна билан битилган "Умида" деган ёзув эди. Билдимки, Рустам мени наинки кўнглидан, балки юрагидан узиб ташлагиси келган. Рустам билагадаги ёзувнинг териси билан қўчириб менга юборибди. Бу билан нима демоқчи бўлди? Ахир менинг айбим нима эди? Тўйим бўлишини, севганимга турмушга чиқишни истганимми? Рустам томонидан ҳеч ким келиб нима учун тўй бўлмаслигини айтишгани ҳам йўқ эди-ку. Энди уни бошқа ўйламаслик учун бор алаимимни ишдан олдим. Оилам учун олиб-югурдим. Икки нафар фарзандли ҳам бўлдим. Эрим жуда яхши, оғир-вазмин инсон бўлиб, ҳамиша кўнглимга қарарди. Рўзгорим бадастир, еганим олдимда, емаганим кетимда эди. Лекин, ҳар бир тонгим Рустамнинг номи билан бошланиб, тунлар унинг ҳаёли билан уйкуга кетардим. Шундай қилиб орадан ўттиз йил ҳам ўтиб кетди. Ун йилдан буён Тошкентда яшаяпмиз. Кат-



шимни кўришим зарурлигини айтдим. Улар бу қишлоқнинг жуда четдалигини айтиб мени айнитишмоқчи бўлишди. Мен эса айтганимда туриб олганим учун улар ноилжор бирга борадиган бўлишди. Овлоқ жойдаги чиройли бир қишлоқ экан. У ерга бориб ҳалиги аёлниқига кириб меҳмон бўлдим. Ичимдаги шайтон эса Рустам ҳақида сўрашимни айтиб ҳеч қўймамасди. Охири андишани йиғиштириб қўйиб "ўша курсдошим" ҳақида шунчаки сўз очдим. У ҳақида гапираяпману аззойи баданимдан тер қуйиларди. Чунки йиллар давомида юрагимнинг тўрида, қалбимнинг кўрида асраб юрган инсоннинг номини илк бора қўпчиликнинг олдига тилга олаётгандим.


Рустам ўшандан кейин Тошкентга кетиб қолган экан. Ҳозир эса катта бир ташкилотнинг раҳбари бўлибди. Шундан сўнг унинг қўл телефони рақамини ёзиб беришди. Мен меҳмонхонага келдим дарҳол унга кўнгирак қилдим. Унинг телефон рақамларини терарканман ҳаяжонланардим. Бир оздан сўнг гўшадан эркак кишининг "эшитаман" деган вазмин овози эшитилди. Мен бир амаллаб ўзимни қўлга олиб сўрашдим. Кейин уни яхши танишимни, лекин ҳозир жуда олисда эканлигимни, агар рози бўлса учрашиб ўзимни таништиришимни айтдим. У рози бўлди. Мен ўша кунни хизмат сафаридан қанот чиқариб қўлиб келдим. Ахир ўттиз йилдан сўнг у билан учрашардим-да.

Эртасига ишга борганимдан кейин телефон қилиб, соат 5 да олдида боришимни айтдим. У раҳбарлик қилаётган ташкилотнинг номини айтди. Айтилган пайтдан анча олдинроқ унинг кабинетига кириб бордим. Лекин...У танимади. Мулозамат билан ўрнидан туриб сўрашди. Ўтиришга

дим. Лекин у ўша кўнги кийимиди эди. Иккимиз гаплашиб ўтирарканмиз, у менга ўшанда бўлган воқеаларини айтиб берди. У кўчада йиглаб кетаётди, бирга ўқиган дугонамни кўриб қолибди. Шундан сўнг Рустам ялиниб-ёлвориб ундан мен турмушга чиққан кишининг уй адресини олибди. Шундан сўнг мени батамом унутганлигининг белгиси сифатида қўлига номим ўйиб ёзилган терисини кесиб олиб конвертга солиб юборган экан. Гарчи мен ўшанда дугонамдан бор гапни эшитган бўлсам-да, яна такрор тингладим. Рустам ўзининг ҳаёти ҳақида ҳам айтиб берди. У мендан умиди узилган нотаниш бир қизга уйланишга рози бўлибди. Лекин у ҳам худди менга ўхшаб ўша қиздан менга ўхшаб томонларини изларкан. Охири бўлмади. Ахвол шу даражага борибдики, у икки нафар боласи билан ўша хотинидан ажралишга мажбур бўлибди. Сўнг Тошкентга бориб институтга кирибди. Ангренлик бир қиз билан танишиб ўшанга уйланибди. Аввалига ширин бошланган ҳаётлари кейинчалик заҳарга айланибди. Чунки, хотинининг отаси амалдор экан. Хотини ҳам кейинчалик унга: "Сен отамнинг ёрдами билан одам бўлиб қолгансан-да", дея таънао дашномлар қила бошлади. Буларнинг бари жонига теккан Рустам бир кунни уйдан барча молу дунёсини ташлаб чиқиб кетибди. Бор кучини, биллимини ўқишга, изланишга бағишлабди. Кейинчалик хорижга бориб малакасини ошириб келибди. Сўнг ўша — Фарғонада ажрашиб кетишган хотини билан ярашибди. Кўриниб турибдики, у турмушдаги мамнун. Мени эса у шу даврлар ичида мени бирон марта бўлса-да, ўйлаганини йўқми — шулар қизиқтирарди.

(Давоми 8-бетда.)

Шеърят дафтаридан



Ё НАСИБ, БИЗГА ХАМ...

Ҳанамат умрининг ҳар сонияси
Сенга нимадир айтгим келади.
Мен сендан бош олиб кетаман, аммо
Йўлинг ярмида қайтгим келади.
Сен бу шўр манглайга иқбол тамғаси,
Хобулуд ҳаётнинг ширин тушисан.
Гарчи учмасан ҳам, сайрамасан ҳам
Омадсиз ширининг севар қушисан.
Соғлар бу ҳаётда ишлар, пул йиғар,
Улас бевасининг эрига қолгай.
Мен эса шеър ёдним бойлик тўламай,
Бозор иқтисоди ҳайратга солгай.
Қайғурма, кўз юмиб кетгунча шояд
Ё насиб, бизга ҳам кулиб қолар бахт.
Аллоҳнинг бардоҳи кенг бениҳоят,
Кимнинг қимлигини кўрсатади вақт!

Тақдир деб ёш тўқма қора кўзлардан,
Кимгадир тиз чўкиб қилма илтижо!
Эриб кетма асао ширин сўзлардан
Барча истақларинг этса ҳам бажо!
Қизилқининг маъсума бўсаларини
Ғунчадай асрагин севилгинг учун.
Беқарор юракнинг ғуссаларини
Юлдузларга айтиб, юпангил ҳар тун.

Латофатли гўзал бир сулуво
Оромини олоб, экан қув!
Бахт бергайми, ё жабру жафо,
Ладарми у, айларми вафо?
Рози бўлмай этолмай ишҳор,
Хаёлимда фақат ўша ёр!
Олимжонни ё қодир Худо
Номохрамга этма маҳий!

ОИЛАНИ

МУҚАДДАС ИШНИ

Оилани муқаддас деб билувчи ҳар шахс,
Ишонман бу мавзуда кўзгашиди бахт!
Масала шу — ўрта ёшли эркак аёл
Уктиришар бир-бирига термулишиб лол.
Ахир ҳам уйли-жойли, бола-чақали,
Уйлашмағай улар, эй воҳ, шунга ақали!
“Эсмералда” гўё улар севган киноси,
Аёл сўзлар, эркак тинглар, кўлар зиноси —
Бошланади, бир-бирига термулиб узок,
Говишини ҳаёлида эмади бузоқ.
Кўрагини хиёла танноз қўймишдир очиб,
Ҳашторининг бундан оғиз танаби қочиб,
Тамшанади, уялмайди гарчи номохрам,
Одамийлик, ифрат, ҳаёт топмишдир барҳам.
Битта жойда, бир шубҳада мумкин ишмасок,
Бу дегани эмас ахир кўнгли хушламоқ.
Қанча пишқан тутишмасини, айланиб ҳийла,
Бу кетишда бузилади икки оила!
Ёш ҳам эмас, элиқларда “ҳансининг” ёши,
Қирчиллама қирқда кўзи танг, қаламқоши.
Ор-номусни билмас улар, иймондан жудо,
Барчасини ахир қўриб турибди Худо!
“Эркак бўлсанг топ покча маҳрам бир аёл,
Аёл бўлсанг эринг билан яшасан ҳалол!”
Ҳа, Ҳадиси шарифда расули Алоҳ,
Ҳақ номидан буюрмишлар, бўлингиз оғоҳ!
Ушбу сўзга амак қилмас қимчи ҳамшира,
Унинг бири зилоқдорди, бири фоҳиша!
Ким бўлмагани бу дунёда эркакми аёл!
Оилани муқаддас тут, топасан иқбол!

Олимжон БҮРИЕВ

ХОТИННИ ХҲРЛАГАН ХОР БҲЛАР

Ғайратбекни ғайрати жўшган йигит дурсиз? Йўқ, уначлик эмас. Ёшлигидан сал эрқарок, камҳаракат ва лоқайдроқ бўлиб улғайди. Бошлаган иши чала-чулла қолиб кетаверади. Унинг бахтига онаси серҳаракат аёл бўлиб, ўглининг айбини яшириб, ютуғини ошириб юраверди. Онасининг ҳаракати билан Ғайратбекни чаккон, удли-шудли қизга уйлантиришди.

Шундай бўлдики, тўйдан кейин Ғайратбекнинг бекордан-бекорга кунни ўтказиб юриши келинчак Гулчехра-хонга ёқмади. Бу ҳақда қайнонасига айтган эди, у шундай деди:

- Энди келин, Ғайратбекни ўзингиз йўлга соласиз. Биз ёлғиз ўғил деб қаттиқ гапиролмадик. Унга ўзи бол иш керак. Озгина дастмоя қилиб, тижоратта уннаб кўринглар. Ажаб эмас, Ғайратбекнинг омади юришиб, Оллоҳ унга ғайрат ато этса.

Гулчехрахон бўйида ҳомиласи билан елиб-югуриб, озроқ дастмоя топти. Аммо Ғайратбекни бозорда ўтириб савдо-сотиқ қилишга бардоши йўқ эди. Ёки савдо қилса ҳам, толган фойдасини ўша жойнинг ўзида совириб уйга қайтарди. Ҳарқалай Гулчехра-хоннинг бардоши билан тижоратлари бир оз юришди. Агар куёви ишга маҳкам ёпишиб, толган фойда-ни сал тежаб ишлатганида, тижорат-ни икки баробар каттайтириб олиш-лари ҳеч гап эмасди.

Гулчехрахон тижоратни куёвиге ишониб ташлаб қўя олмади. Кўз ёри-гандан кейин ҳам чақалогини тизза-сига олиб, савдо-сотиқни қилаверди. Кунларнинг бирида у иситмалаб иш-дан қайтди. Шунда ҳам чақалогини эҳтиётлаб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олмади. Қайнонасини уринтириб қўймай деб, ҳарорат устида овқат тайёрлашга унади. Овқат пишай де-гандан, кўчадан Ғайратбек ширақайф ҳолда кириб келди.

- Нега чақиртирдинг? — сўради у қозон бошига яқинлашиб. - Менсиз кунинг ўтмайди? Уртоқларим олди-да хижолат қилдинг.

- Болага қараб туринг, Умидбек ин-жиқлик қилиб, бувимни қийнаб юбор-ди.

- Балким қозонингнинг ювиб бер дурсан? — ўшиқди Ғайратбек.

- Қозонни ўзим ювман. Иситмалаб турибман, дўхтирга олиб борасизми-кан дегандик, дадаси.

- Бугун яқшанба, дўхтирлар ишла-майди, ётиб дамингни олсанг, туза-либ кетасан. Мен тўғримда онамга нима дедим?

- Нима дердим, бирор ишни учини ушлармикан, насихат қилиб қўйинг дедим. Бу-вим ҳам кексағойи қола-тилар, рўзғорини ўйлаб

яшамасак, бўлмайди-да, дадаси.

- Сени ўйлаганинг етади. Мен би-лан ишинг бўлмасин. Хоҳласам иш-лайман, хоҳламасам йўқ. Менга бошқа гишава қилма.

Гулчехрахон тишини-тишига қўйиб, уч фарзандли бўлди. Ғайратбек иш-лаб ишламай кунни ўтказиб юравер-ди. Ҳарқалай Гулчехрахонни тижорат-га маҳкам ёпишгани яхши бўлган экан. Кичикроқ савдо дўконини очиш-ди. Дўконни Ғайратбек бошқара бош-лади. Лекин бу ишга ҳам унинг бар-доши етмади. Савдога ўспирин бо-лани қўйиб, хушлаган ишини қилиб юраверди.

Шу орада Ғайратбекнинг онаси қў-лоғи ишламай, кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. Гулчехрахон қайнонаси-нинг хизматиде бўлди. Худди ўша кунларда эрининг аллақандай қизга уйланиб олганлиги Гулчехрахоннинг қулоғига чалинди. Аммо у арқонни узун ташлаб юраверди. Бу гап қай-нонасига ҳам етиб келди. Уйдан ба-рака қочди. Қайнонаси ҳаётдан кўз юмаётиб ўлгани шундай насихат қил-

ди:
- Беемани ишларингни ташла, ўғлим. Гулчехрахон билан иноқ бўлинглар. Фарзандларингни тар-бияла.

Онасининг вафотидан кейин Ғай-ратбек дўкондаги савдо-сотиқни батамом синдирди. Дўкон ҳам соти-либ кетди. Гулчехрахон эрига шун-дай деди:

- Мен бундай аросатда яшай ол-майман. Ёки мен билан яшанг, ёки ўша уйланиб олган қизингиз билан яшанг.

- Сен билан яшамайман, уйни бўшат, — жавоб қилди Ғайратбек.

Гулчехрахон эри билан судлашиб ўтирмади. Уч фарзанд-дини олиб, отасиники-га кетди. Ғайратбек уйга кейинги хотинни

бошлаб бориб яшай бошлади. Шун-дай бўлдики, Гулчехрахон қарз-қаво-ла қилиб, тижоратни бошлади. Унинг иши юришиб, уй сотиб олди. Фарзандлари ҳам онасига яхшиги-на ёрдамчи бўлиб қолди. Меҳнатга

меҳр қўймаган одам, ўз яқинларига ҳам меҳр қўйолмас экан. Ғайратбек болаларидан бирор марта ҳам хабар олмади. У ичкиликка берилиб, уйи қаровсиз, фэйсиз бўлиб қолди. Яқинда Гулчехрахон савдо қилиб ўтирган эди, кимдир растанинг бо-шида арава итариб келаётган патак-соч, тиканаксоқол қизи билан гап таллашиб қилиб, унга бақирди.

- Бўлақолинг! Кучингиз етмас экан, нима қиласиз арава итариб. Отдан сал пастга тушинг, акаси!

Гулчехрахон арава итариб келаёт-ган собиқ эри Ғайратбекка кўзи ту-шиб, бошқа тарафга ўтирилиб олди. Хулоса шуки, хотинни ноҳақ хўрла-ганнинг ўзи хор бўларкан.

К. НИШОНОВ

Андижон шахри

(Боши 7-бетда.)

Ўзим эса бу ҳақда оғиз очиш-га ийманардим. У эса фақат ишдаги муаммолари, иккинчи хотинининг қилган ишидан афсус қилиб яна ярашмоқчи бўлганию, у рад этгани ҳақида гапирарди. Рустам менинг тур-мушим ҳақида ҳам у - буларни сўраган бўлдию, асосан ўзи ҳақида гапирди. Мен Ру-стамнинг кўзларида ўша уна-шилган пайтимиздаги бахтни, қувончларни кўраман деб ўйлагандим, аммо...

Шундай қилиб, у мени уйи-мизга яқин бир бекатда маши-насидан тушириб кетди. Мен икки бекатгача йўлни хаёл би-лан пиёда босиб ўтдим. Шу бу-гун эрталаб тонг қанчалар тез-роқ отишинию, Рустам билан учрашиб ўтган давримиз ҳақида суҳбатлашини, йил-лар давомида кўз олдимдан кетмаган, қалбимни тарқ этма-ган севгимиз ҳақида унга айт-иб беришни истагандим-а... Хуллас, уйга ғалати аҳволда кириб келдим. Кўзларимдан ёш томчиларкан осмоғдан ҳам ёмғир селоби шаррос тўки-

ларди. Қизим жуда ақлли ва зийрак. “Ойижон, нима бўлди, нега бундай тушкунсиз?” - дея сўради. Ўзимни тутолмасдан йиғлаб, қизимга бор воқеани айтиб бердим. Унинг таъна қилишини кутгандим. Йўқ. У мени тушунди. Кўзлари ёш-ланганича менинг севгим тари-хини тинглади. Кейин: “Ойи-жон! Энди сиз унга қайта кўнги-роқ қилманг”, - дея ўтин-ди. Чиндан ҳам энди Рустам-га кўнги-роқ қилмоқчимасдим.

СЕВГИМ — БАХТИМ ЁНИМДА ЭКАН...

Унинг кўнги-роқ қилишини ку-тардим. Ўйлардимки у ўша кунни ҳаяжоннинг зўридан мен билан очилиб гаплаша олма-ди. Орадан икки ҳафталар ўтган бир кун ёлғиз ўтирсам телефон жиринглади. Югуриб бориб кўтарсам у экан... Юра-гим қинидан чиқиб кетай деди. Аммо... Рустам мен билан худ-ди ҳар кунни, ишда, кўчада уч-ратиб юрадиган кишисидек ба-

майлихотир, ортиқча ҳаяжон-ларсиз гаплашди. Болаларим-ни сўради. Мен уларнинг кўча-га айланишга чиқиб кетганини айтдим. У эса: “Ҳа! Энди кўча-да айланишларни, суҳбатла-шишларни ёшларга чиқарган-да. Мана биз уйда-а ўтира-миз”, - деди. Ишонасизми, у мен билан шу қадар лоқайд, бепарво оҳангда гаплаша бош-ладикки, беҳитиёр гўшақни қўйиб қўйдим. У: “Балки узи-либ қолгандир” - деб ўйлаб

кўнги-роқ қилиши мумкин эди. Лекин бундай қилмади. Очи-ғини айтсам, ўзим ҳам энди у билан гаплашини истама-дим. Шунга ҳам мана икки ой бўлди. Мен эса ўтаётган ум-римнинг нақадар гўзал экан-лигини, мен истаган бахтни менга Рустам эмас, балки ўзим севмайман деб ўйлаганам — умр йўлдошим ато этганлиги-ни яхши тушунгандим. Сев-

гим, бахтим ёнимда экан. Мен эса олисдаги юлдузининг шуъ-ласига интилибман, уни соғи-нмаман. Ўша пок, беғубор му-ҳаббат эса жимгина, оддийги-на кўнглимга киргану мен бил-маган эканман. Рустам билан учрашиб тўғри иш қилдимми, нотўғри иш қилдимми бил-майман. Учрашмаганимда у мен учун бир умрлик армон бўлиб қолаверган бўларди. Уч-рашганимдан кейин эса ўзим-дан нафратлана бошладим. Лекин шулча йиллик турму-шим, турмуш ўртоғим кўзимга оловдек кўрина бошлади. Бал-ки менга ўшаб илк муҳабба-тини соғиниб ҳануз уни уну-толмаган инсонлар ҳам бор-дир. Ўзлари учун ўз вақтида тўғри хулоса чиқаришларини хоҳлардим. Мен яна юртдош-ларимнинг фикру мулоҳазала-рини билишни, маслаҳатлари-ни эшитишни жуда истаардим. Айтинглари-чи азизлар, у би-лан учрашиб нотўғри иш қил-мадиммикан?..

Умиданинг дил изҳорини
Басира САЙДАЛИЕВА
оққа кўчирди

Оила ва жамият

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фой-даланилмаган кўлбазмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарил-майди, ёзма жавоб қилинмайди. Газетадан қўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШИ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САЙДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 34-25-46

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»
Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - {якка обуначилар учун 176
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси-да № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 741. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобқ.
Баҳоси эркин нархда. Адади — 30 000
Саҳифаловчи — Жафар ЖАББОРОВ.
Расом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи - М. СОДИКОВ.